

ВАТАН ХАРИТАСИ

Фан ва техника давлат кўмитасида Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» буйича туркум суҳбатлар бошланди. Унда олимлар, мутахассислар, корхоналар раҳбарлари, республика халқ таълими тизими вакиллари иштирок этмоқда.

Таниқли сиёсатчилар, иқтисодчилар, юристлар томонидан ўтказилган суҳбатлар туркуми бир ой давом этади.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган кенгашида кон-металлургия, кимё ва машина-созлик саноати корхоналари учун зарур бўлган импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар масаласи кўриб чиқилди. Унда кенгашида иштирокчиларга ҳозирча четдан келтириладиган турли буюмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уларнинг хиллари кўпайтириш учун сўз-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, янги самарали ва рента-

белли корхоналарни қуриш ва янги илм жойларини барпо этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Пойтахтда бўлиб ўтган Ўзбекистон Олий ҳужжатларнинг пленумида республика ҳужжатларнинг ўтган йилдаги фаолияти яқинлари ҳамда жорий йилда одил судловни такомиллаштириш ва иқтисодий муносабатларда қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлган адлия ва суд органларининг ўтган йил иш якуналарига бағишланган кенгайтирилган йилчишида «Ойла манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга оширилган тадбирлар давлат дастури»ни баҳарлаш юзасидан адлия ходимлари олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Микробиология институтининг оддини олиш ва даволаш учун мўлжалланган «Лактобактерин Ором» ва «Бифидумбактерин ПЛ» деб номланган янги самарали шифобахш восита яратилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 9 февралдан бошлаб ҳисоб ва божино туловлари учун қорихий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари 55,03	1 Норвегия кронаси 10,88
1 Австрия шиллинги 6,49	1 Польша злотийси 23,15
1 Англия фунт стерлинги 134,59	1 Португалия эскудоси 4,44
10 Бельгия франки 22,00	1 Сингапур доллари 49,50
1 Голландия гульдени 40,22	1000 Туркия лираси 0,37
10 Греция драхмаси 2,86	1 Финляндия маркаси 14,95
1 Дания кронаси 11,89	1 Франция франки 13,52
1 БАА дирхами 22,33	1 Швеция кронаси 10,13
1 АКШ доллари 82,02	1 Швейцария франки 56,14
1 Миср фунти 24,11	1 ЭКО 89,22
1 Исландия фунти 113,52	10 Жанубий Корея вони 0,53
1 Исландия кронаси 1,13	10 Япония иенаси 6,57
10 Испания песети 5,36	1 Россия рубли 13,58
100 Италия лираси 4,58	1 Украина гривнаси 42,56
1 Канада доллари 57,29	1000 Белорус рубли 2,56
1 Хитой юани 9,91	1 Литва лити 20,51
1 Кувейт динари 269,23	1 Молдова лейи 17,44
100 Ливан фунти 5,37	1 Қирғизистон соми 4,59
1 Малайзия ринггити 21,44	
1 Германия маркаси 45,32	

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмага.

Ироқ ўз мамлакатидоги барча объектларни БМТ назоратчилари томонидан текширилишига розилик берди. Бу билан уруш хавфи пасайгани йўқ.

Айрим давлатларнинг раҳбарлари Ироққа қарши ҳаво ҳужуми уюштирилишига қарши чиқишмоқда. Бинобарин, олимларда уйқуларини давом эттаётган пайтда Япония раҳбарлари ер юзюда ҳеч қандай уруш ҳаракатлари бўлмаганини зарурлигини таъкидламоқдалар. Қўнгина араб давлатлари ўзларига яқин жойда уруш ҳаракатлари бўлишига қарши чиқишаётир. Улар суверен давлат бўлиши Ироқнинг ички ишларига аралашув ёмон оқибатларга олиб келишини таъкидлашмоқда.

Токио жаҳондаги энг қимматбаҳо шаҳарлардан бирига айланб бормоқда. Бу ҳақда Британиянинг «Экономист» журнали гувоҳлик беради. Осака ва Кобе, ундан сўнг Москва ҳамда Гонконг хорижий меҳмонлар учун энг серхаржмат шаҳарларга айланб қолди.

Кейинги 29 йил ичюда биринчи марта АКШ спортчилари Эронга таширф буюришди. Улар кураш бўйича халқаро турнирда иштирок этишади. Бешта америкалик курашчига ҳозирнинг ўзидаёқ Эронга таширф қозғолари тақдим этилди.

19 февраль кунин Хитой халқининг буюк доҳийси ДЭН Сюэни вафот этганига бир йил тўлади. Шу муносабат билан Хитой телевидениеси «Замонанинг буюк киши» ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўп қисмли кинофильм намоиштини бошлади. Фильм 19 февралга қадар давом этади. Айни вақтда ДЭН Сюэнининг ватани бўлган Сичуан вилояти ва у узоқ йиллар яшаган бошқа ҳудудларда доҳий хотирасига бағишланган турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ватанини севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 10 февраль, сешанба • № 17— 18 (22.255).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ ЛОЙИХАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишга расмиётчилик билан ёндашиш ва сансалорликни бартараф этиш, уларни танлаб олиш ва амалга ошириш механизмининг тартибга солиш, шунингдек, келишиб олиш ва тегишли руҳсат берувчи ҳужжатлар бериш тартибларини соддалаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, хорижий инвестициялар жалб қилинган ҳолда амалга оширилаётган лойиҳаларни рўёбга чиқариш давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади ва унинг мониторингинг давлат томонидан олиб борилади.
2. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция дастурлари департаменти давлат инвестиция сиёсати амалга оширилишини ташкил этувчи ягона ваколатли ва масъул орган ҳисобланади, унинг қарорлари инвестиция жарайнининг барча қатнашчилари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.
3. Вазирлар Маҳкамасининг инвестиция дастурлари департаментига хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилиши устидан давлат мониторингини ташкил этиш юклансин.
4. Қуйидагилар инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши устидан давлат мониторингининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:
 - инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг барча босқичларида уларга тўсқинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан тезкор чора-тадбирлар куриш;
 - инвестиция фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга доир тақлифлар тайёрлаш;
 - мавжуд расмиётчилик тўсқинларини, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ турли масалаларни кўриб чиқиш мuddатларини тартибга солиш йўли билан бартараф этиш.
5. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолат остида кредитларни жалб қилган ҳолда хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб икки ҳафта мuddатда:
 - қўллангидиган технологиянинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, техник даражаси ва нархига кўра рақобатбардошлигини умумий баҳолаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодий ва статистика вазирлигида ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида;
 - иқтисодий самардорлиги ва ўзини ўзи қоплашини, маблағ билан таъминлаш схемасини баҳолаш бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ва ваколатли банкларда бир йўла экспертизадан ўтказиш тартиби белгилансин.
 - 6. Алоҳида ййрик ва стратегик жиҳатдан муҳим

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ ҳужалиги корхоналарини санация қилишнинг самардорлигини таъминлаш ва қулай иқтисодий шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Қуйидагилар:
 - қишлоқ ҳужалиги корхоналарини санация қилиш бўйича ҳукумат комиссияси ҳамда вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан санация қилинадиган барча қишлоқ ҳужалиги корхоналарида ташқи бошқарувчилар тайинланганлиги;
 - ташқи бошқарувчи утказиш учун тижорат банкларида санация қилинадиган барча қишлоқ ҳужалиги корхоналарининг махсус счётлари очилганлиги ҳамда барча пул тушумлари ва харажатлар фақат махсус счёт орқали амалга оширилиши;
 - санация қилинадиган қишлоқ ҳужалиги корхоналарининг товар-моддий бойликлар ва хизматлар учун, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тулаш учун, шунингдек, бюджет билан ва бюджетдан ташқари фондлар билан ҳисоб-китоблари махсус счётдан фақат тулов топшириқлари бўйича махсулот ишлаб чиқаришга норматив харажатлар доирасида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ташқи бошқарувчилар қишлоқ ҳужалиги корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича минтақавий комиссиялар билан биргаликда:
 - санация қилинадиган корхоналарнинг товар-моддий бойликлари қолдиги ва мол-мулкни, қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқаришларини, ер майдонларини, тузилган шартномаларини 1998 йил 1 январдаги ҳолатига кўра бир ой мuddатда хатласинлар; асосий фондлар ва моддий
3. «Пахта-банк», «Мевасаб-завотбанк», «Галла-банк» ва бошқа тижорат банклари дебитор қарзларини ундиришда санация қилинадиган қишлоқ ҳужалиги корхоналарига қўмақлашсинлар.
4. Қуйидагилар:
 - санация қилинадиган қишлоқ ҳужалиги корхоналарининг 1998 йил 1 январдаги ҳолатига кўра бюджетга мuddатда туланмаган туловларини тулаш, шу жумладан, пеня, 2000 йилгача кечиктирилсин. Тулов мuddати кечиктирилган маблағлар санация қилинадиган қишлоқ ҳужалиги корхоналарини 2000 йил мобайнида туланади;
 - санация қилинадиган қишлоқ ҳужалиги корхоналарининг пенсия жамғармаси, иш билан таъминлаш жамғармаси, ижтимоий сугурта жамғармаси ва йўл жамғармасидан пеня қўшилмаган ҳолдаги қарзларини тулаш 2000 йилгача кечиктирилсин. Кейинчалик улар 2001 йилдан бошлаб 2 йил давомида тенг улушларда туланади.
 - 5. Санация қилинадиган қишлоқ ҳужалиги корхоналарининг 1998 йил 1 январдаги ҳолатига кўра тулов манбалари билан таъминланмаган кредиторлик қарзлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли вазирликлар ва идораларга имтиёзли фозисиз кредитига қайта расмийлаштирилсин, ушбу кредит санация қилинадиган қишлоқ ҳужалиги корхоналарини 2003 йилдан бошлаб 3 йил давомида тенг улушларда туланади.
6. «Ўзғросуғурта» давлат-акциядорлик сугурта компаниясининг:
 - санация қилинадиган қишлоқ ҳужалиги корхоналаридан 1996 йил учун сугурта туловлари тулаш бўйича қарзларини 1998 йил 1 апрелгача тулаш;
 - санация қилинадиган қишлоқ ҳужалиги корхоналарининг 1996 йил учун сугурта туловлари бўйича қарзларини (Давоми 2-бетда).

БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Суз мулкнинг сўлтони Алишер Навоий таваллудининг 557 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Жойларда, илмий муассасалар, ўқув юртлари ва мактабларда анъанавий навоийхонлик, адабий кечалар давом этмоқда.

Буюк бобокалонимиз таваллуд топган кун — 9 февраль тонгида шоир ва ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар, талаба ва ўқувчилар, жамоатчилик вакиллари улуг Навоий хотирасини ёд этиш учун шоир номи билан аталувчи Миллий боққа тупландилар. Бу ердаги Алишер Навоий ҳайкали пойга гуллар қуйилди.

Шундай кейин анъанавий навоийхонлик бошланди.

— Президентимиз маънавиятни юксалтиришга катта эътибор берапти, — деди Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов. — Улуг бобокалонимиз Алишер Навоий эса маънавиятимиз қарвонининг сарбонидир. Ул зот биздан нисбатан узоқ даврда яшаган булсада, унинг инсонпарварлик гоғялари билан йўрилган асарлари ҳамisha барҳаётдир. Ҳали бобомиз тўғрисида кўп асарлар ёзишимиз, илмий тадқиқотлар олиб боришимиз керак.

Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, шоир Усмон Азим Навоийнинг бадий юксак асарлари аждодларимизни умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга маъноси ҳисса қўшиб келатгани, шу боис мутафаккир шоир адабий меросини, бадий маҳоратини урганиш бугунги кунда ҳам навоийшунослар, шоир ва адиблар учун етакчи мавзу бўлиб қолганлиги тўғрисида сузладилар.

Маросимда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов қатнашди.

(ЎЗА).

Атчиқ, аммо очич гаплар

«Футбол-мудболингни билмайман...»

«Тегирмончи»нинг қийин ахволда қолгани хусусида

олтин» мусобақасида учинчи ўринни эгаллашимиз йигитларимиз кайфиятини кўтарди. Хуллас, ўтган мавсумни кўнглидагидек яқунлаб, бу йил қандай бўлмасин, биринчи лигага чиқишини оруз қилиб қўйган эдик...

Бу ёғини сўрасангиз хайри ишларини амалга оширишимизда Жомбой уюшмачилигининг директори Яшин Абдуллаев хайрихолик кўрсатди. Жамоамизнинг моддий жиҳатдан таъминлаш, йигитларга қийин-кечак ва спорт анжумлари етказиб бериш каби юмушлар жойида бўлди. Энди билсам, бу кийин биринчи ўринбосари Н. Д. Тенга урможаат қилдик. У киши бу борадаги имтиёзлар Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарориди қайд этилгандан кейин биз яна қандай йўл-йўриқ кўрсатишимиз мумкин, деган жавобни айтдилар. У ҳам эмас, бу ҳам эмас, Жомбой — Тошкент оралигида қатнашмайвериб, сарсон бўлапмиз. Вақт эса кутмайди...

Кўриниб турибдики, Жомбой туманининг «Тегирмончи» футболчилари қийин ахволда қолган. Футбол жамоамизининг раҳбари Волибек Рустамов билан бош мураббий Ремиз Ибрагимовлар қатори яна кўплаб футбол куюнчалари имзо

чеккан арзномада ҳам «Тегирмончи»га ёрдам қилишни чўзиш зарурлиги баён қилинган. Утган йилги ҳисоб-китобларга қараганда Жомбой дон махсулотлари акциядорлик жамийнати қарийб 162 миллион сўмлик даромад қилган. Ваҳоланки, Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принциплари тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорнинг тўққизинчи бандида «Молия вазирлиги билан биргаликда жаҳон амалиётдан келиб чиқиб, футболни ривожлантиришга фаол қўмақлашувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун солиқ имтиёзлари ва бошқа имтиёзларни қўллаш...» лозимлиги таъкидланган.

Айни пайтда «Футболни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда эса «корхоналар ва ташкилотларнинг фойдадан олинмаган солиқ бўйича солиқ солинадиган базаси футболни ривожлантириш ва кўмаклашувчи, футбол клублари ва мактабларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар суммасига, солиқ солинадиган фойданинг беш фозис миқдоригача камайтирилади», деб уқтирилган.

Юртимизда халқ севган йўли — футболни ҳар томонлама ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли ёшлар сифатини кенгайтириш йўлида тинимсиз саъй-ҳаракатлар қилинаётган бир пайтда маблағи бўла туриб, бевосита ўзларига қарашли бўлган «Тегирмончи» футбол жамоасининг моддий жиҳатдан таъминлашга қўл урмаётган раҳбарлар кишини а ж а б л а н т и р а д и . . . Уйлаймики, гап эсини топади ва «Тегирмончи»нинг янги мавсум харажатларини бошлаб юборишига йўл очилади.

Ҳайдар НОСИРОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН ЧИННИЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ҚОРХОНАЛАРИНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда). ни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

8. «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг 1997 йил ҳосилидан тайёрланган пахта хом ашёсини қайта ишлашни 1998 йил 1 мартга тугалласин ҳамда хўжаликлар ихтиёрида қоладиган пахта ва пахта толаси учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги санация қилинадиган хўжаликлар ёнидан ўтувчи хўжаликларро коллектор-дренаж тизимлари аҳолини икки ҳафта мuddатда текшириб чиқсин ҳамда 1998 йилга ажратилган маблағлар доирасида уларни тозалашни назарда тутсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, Коммунал хизмат курсатиш вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги аҳоли фойдаланган электр энергияси ва газ учун 1998 йил 1 мартдан бошлаб бевосита хўжаликлар аҳолиси билан ҳисоб-китоб қилинишини таъминласинлар.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Коммунал хизмат курсатиш вазирлиги билан биргаликда хўжалик ички сув қувурлари тизимларидан фойдаланишни ташкил этиш ва қишлоқ аҳолиси томонидан ичимлик сувдан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш тартибини икки ой мuddатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари хусусийлаштирилган чорвачилик фермаларининг, ижарага берилган боғлар, узумзорлар, иссиқхоналар ва бошқа объектиларнинг аҳолини урганиб чиқсинлар ҳамда хўжаликларнинг иқтисодий манфаатларига зарар етказилган ҳолларда шартномаларни қайта қу-

риб чиқиш юзасидан белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қилсинлар.

13. Санация қилинадиган пахта ва дон етиштирувчи қишлоқ хўжалиги қорхоналарига ишлаб чиқариш бўлимлари ва мазкур хўжаликдаги оилалар билан хўжалик ички пудрат шартномалари, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчи қишлоқ хўжалиги қорхоналарига асра ёр участкаларининг хўжалик ички ижараси шартномаларини тузиш тавсия қилинсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги бир ой мuddатда:

ер участкаларининг хўжалик ички ижараси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш юзасидан хўжалик ички пудрати намунавий шартномаларини;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бир ой мuddатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташқи бошқарувчилар билан биргаликда санация қилинадиган қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг ортқича ҳодимларини бўшатиш, шунингдек, ушбу ҳодимларни ишга жойлаштириш бўйича бир ой мuddатда таклифлар ишлаб чиқсин ва тақдим этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига қишлоқ хўжалигида қонун ҳужжатларига риоя этилиши, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги қорхоналарининг фаолияти, шунингдек, шартнома интизоми таъминлашни устидан назоратни кўчайтириш тавсия қилинсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 14 январдаги 21-сон қарори билан белгиланган қишлоқ хўжалиги қорхонала-

рининг санация қилиниши учун (1998—1999 йилларда) шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

18. Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссияси ва минтақавий комиссиялар санация қилинадиган хўжаликларни молиявий соғломлаштириш режаларининг баҳарлигини йилнинг ҳар чорагида таҳлил қилсинлар ва ҳисобот оидин кейинги ойнинг 20-қунинда Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсинлар.

19. «Ўзтелерадио» компанияси, Давлат матбуот кумитаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, иқтисодий ночор қорхоналар ишлари кумитаси ва санация бўйича минтақавий комиссиялар билан биргаликда қишлоқ хўжалиги қорхоналарини санация қилишни бриташига доир махсус эшиттиришлар ва рўқналар ташкил этсинлар.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 28 декабрдаги 465-сон қарори билан тасдиқланган «Иқтисодий ночор қорхоналарни санациялаш тўғрисидаги низоми»нинг 1-банди қуйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«Мазкур низомининг амал қилиши «Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қишлоқ хўжалиги қорхоналарини суддан олдин санация қилишга таътиб қилинмайди».

21. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир уринбосари Б. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 7 февраль.

Менда таклиф бор

ОВОРАГАРЧИЛИККА ЎРИН ҚОЛМАСДИ

Яқинда янги паспорт олиш учун тегишли идорага учирашдим. Маълумки, белгиланган тартиб бўйича 250 сўм бож тўлаш керак. Яшаш жойим Юнусовод туманида. Лекин яқинлиги учун Мирзо Улуғбек туманининг марказий жамғарма банкига тегишли пулни тўлаш учун бордим. Афсуски, менга «Сиз ўзингиз яшаётган туманга бориб пул тўланг, бу ердан мумкин эмас, деган вақтни айтиб қайтаришди».

Шу ўринда ўринли савол туғилади. Янги паспорт олиш учун ёки бошқа сабаблар билан кўлаб одамлар бекорга оёра бўлиб қайтиб кетишяпти. Шунинг ўрнига аҳолига қулайлик яратиш, айтилик, ҳар бир туман ички ишлар бўлимига қарашли паспорт билан шугулланувчи идора қошида касса ташкил этиш мумкин эмасми? Шунда бундай ортқича оворагарчиликларга чек қўйилган бўларми?

Лобар РАҲИМЖОНОВА, ҳисобчи.

Хатлар, хатлар, хатлар

ЁҚИШГА ЎТИН ҲАМ ҚОЛМАДИ

Бизнинг Чек-Журабек қишлоғимизга шу пайтгача газ келгани йўқ. 1996 йилда Ўзбекистон радиосига хат ёзган эдик. Шундан сўнг Фурқат тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳошимжон Рустамов ва Фурқат номли ширкатлар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Маъмуржон Собировлар қишлоғимизга келиб, 1997 йил албатта, «зангори олов» бўлади, деб ваъда беришди. 1997 йил ўрталарида Ўзбекистон радиосига яна хат йўлладик. Бу гал ҳам Фарғона вилоят ҳокимлигидан қуруқ ваъдалар инъом этишди.

Томорқадаги ўтинбоп даракларнинг ҳаммасини кесиб, ёқиб бўладим. Утин масаласида Фурқат номли ширкатлар уюшмаси раиси Маъмуржон Собиров номига ариза билан мурожаат қилдим. Аризам натижасиз қолди. Сўнг иккинчи марта яна шу кишига ариза ёздим. Минг афсуски, бу сафар ҳам ҳеч қандай натижа бўлмади. Ҳозир қиш, қулар анча совуқ. Ана шундай пайтда вилоят ва туман ҳокимлигиданлар биз, қишлоқ аҳлининг яшаш шароити ҳақида ўйлаб кўришармикан? Ёки бундай кейин ҳам ўтин ахтариб раҳбарларга мурожаат қилаверамизми?

Муртозахон АБДУРАҲМОНОВ. Фарғона вилояти, Фурқат тумани «Набахор» қишлоқ фуқаролар йиғини.

ВИЖДОН АЗОБИ

Андижон шаҳар, 4-кичик даҳа 13-а уй 22-хонадонда яшовчи ШОФИЕВА Сониядан.

Ҳурматли муҳаррират!

Мен 1997 йил июнь ойида Сизларга мактуб йўлаб, вилоят касалхонасининг жарроҳлик бўлимида оғир операция бўлаганимни ва бу ерда шифокорлар билан беморлар ўртасида муносабатнинг яхши эмаслигини, шарт-шароитлар, санитария аҳоли жуда ёмонлиги ҳақида гапирган эдим.

Шундан сўнг, орадан 2 ой ўтгач, вилоят касалхонасини деб 3 киши хонадонимга келди. Улар ўзларини таъинлашди, ўша мен ётган бўлимнинг энг катта жарроҳи ва доктори дейишди. Учинчиси эса мени операция қилган ва ўз ҳолимга ташлаб қўйган жарроҳ Мирзаев Акрамжон эди. Улар мен билан суҳбат давомида мен ётган мактубдаги камчиликлар ҳақиқатдан тўғрлигини, бундан буён илоҳи борица яхши ишлашларини айтишиб, мендан кечирим сўрашаддай бўлишди.

Мен ҳам уларнинг уйимга келган меҳмон эканликларини ҳисобга олиб, бошқа адолатим йўқлигини айтиб, тилхат ёзиб бердим. Шу билан менинг ҳам кўнглим таскин топан эди. Бироқ, яқинда ўша мен ётган бўлимга 1997 йилда яхши натижаларга эришганлиги учун вилоят касалхонаси бўйича биринчи ўрин берилди. Мен шифокор эсиман, темир йўл соҳасида кўп йиллар хизмат қилиб, нафақага узатишган оддий бир айлан. Лекин, ўша июнь ойида шу бўлим шифокорларининг лоқайлиги, беморлардан ниманидир умидвор бўлиб таъма қилиб туриши оқибатида ёшларим ётган ёшларим келимча ҳаётдан бевақт кўз юмгани, иккинчиси, Қўзибоева Султонхонининг ночорлиги ва даволашмай мултараб турари мени виждонимни яна қийнаб юборди...



Шавкат АҚРАМОВ олган сурат.

М. РАҲИМЖОНОВА

«ГОРЬКИЙ»ДАГИ «ЖАСОРАТ»

ёхуд ишонганим кенжа болам...ми?

Сарлавҳани ўқиб таажжубланишингиз шубҳасиз. Чунки... Келинг, аввало бироз мулоҳаза, сунгра хулоса қилармиз. Кейинги пайтларда пойтахтимиздаги кўпгина метро бекатларининг кириш-чиқиш жойларида сотувчилар шунақанги кўпайдики, қуяверинг. Гўёки у ерни бозор, дейсиз. Бу «Бозор»лардан сиз лимону апельсин, китоб-дафтару турли ширинликлар, арақ, сигарет, қолаверса, аёлларнинг пайпоғидан... кийимигача харид қилишингиз мумкин. Буйинларига ярим метр келадиган «доска»ни осиб «Телевизор сотиб оламиз», деб турган усмирлар ҳам шу ердан паноҳ топишган. Булар йўловчиларга ҳам, метрополитен хизматчиларига ҳам қийинчиликлар туғдирмоқда. Ҳаммаёқ лой, ифлос...

Биз, бу ерда савдо қилиш мумкин эмас, деган фикрдан йироқмиз.

Факат ҳаммаси қонун асосида бўлса яхши-да! Сотувчилар метро бекатларида эмас, бозорларда фаолият кўрсатишса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Қолаверса, айни кунларда кенг тарқалган сариқ касаллиги ҳам

Луқма

камаяримиди!

Метро бекатларидаги бундай тартибсизликларнинг олдини олиш мумкинми? Албатта мумкин! Бунга аввало бекат раҳбарларию, милиция ходимлари уз вазибаларига масъулият билан ёндашсалар, мурод ҳосил бўлур эди.

Шу йилнинг 2 февраль кунини эрталаб соат 11 лар чамаси. «Максим Горький» метро бекатида шунақанги ажабтовор воқеалар содир бўлдики, унинг гувоҳи бўлиб ҳам қулдик, ҳам қуйдик. У

Мексиканинг қисқа метражли фильмларидек бир неча дақиқаёқ давом

этди, холос. Кимдир дўконини берикитган, бошқа биров олма солинган қопини орқалаб қочган, яна кимдир хариддордан пулни ололмай излаган... Хуллас, ҳамма бесаранжом. Нима эмиш: — «Телевидениедагилар сьёмка қилаётган эмиш». Буни бизга тижорат дўконини ёпишга ёрдамлашадиган милиция ходими «жасорат» ила айтиди. Сотувчилар эса бир зумдаёқ телевидениедагиларга «қулай» шароит яратиб, барча чироқларни учириб қуйишди. Милиция бундан ҳам «беҳабар» қолди. Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур, деб бекорга айтмайдилар-да...

Журналистлар кетгач, яна «тирикчилик» изига тушди. Чироқлар ёнди, дўконлар очилди...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Шу йил 7 февраль кунини Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Т. Исмоилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят партия кенгаши биринчи котиби ва-зифасидан озод этилди. Сирдарё вилояти ҳоки-

мининг уринбосари бўлиб ишлаб келган Д. Қулматов вилоят партия кенгаши

ХДП хабари

биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби

А. Жалолов ва Сирдарё вилояти ҳокимининг биринчи уринбосари Ҳ. Янгибоев сузга чиқдилар. Пленум ишида Ўзбекистон ХДП МК котиблари Ҳ. Авезов ва И. Кочмарик иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Кампир неварасининг ухлаганини пайқагач, равоқдаги чироқни ёқди, уйни синиқ ёруғлик қоплади. Хокандозни олиб, сандалга куйиб ташлади. Эрталабгача етади, қизи ишдан қайтса, асқотади. Санам буви иссиқ чойдан ҳўплади. Бир оздан сўнг кузи илди... Итнинг тўхтовсиз хуршиди кампир кўзини очди. Чироқни олиб ташқарига чиқди. Дарвозасиз ҳовлида машина, унинг ёнида узун буйли йиғит турарди. Ит эса унга йўл бермай, аккилагани аккилаган. Ит кампир шарпасини сезгач, узини четга олди. У ҳар галгидек яна кимдир Назокатни йўқлаб келган дея, духтир ўйда йўқ, ишда деди.

— Бизга дўхтир керак эмас, онажон. Бошпана керак, эрта азонда кетамиз. Санам кампир уларга чироқни яқинроқ элтди. Қаршисидagi турган йиғит, «Қани Лобар машинадан туш», — дея кампирнинг жавобига ҳам қарамай, сўмкани қўлига олганди.

Кампир ортидан улар лой босиб хонага киришди. Меҳмонлар анча совуққотгани учун ўзларини сандалга урдилар.

— Шу денг, хола, — гап бошлади меҳмон, — йўлда машина панд берди. Қоронғида кавлаштиришининг ўзи бўлмайди. Айбга буюрмасиз энди.

— Ҳечқиси йўқ болам, одам-одамга ганимат, — кампир шундай дея, сандал устига дастурхон ёзишга тутинди. Шу пайт бешикдаги невараси йўлаб қолди. Кампир болани бешикдан ечиб оларкан, хонани гўдак ҳиди қоплади. Жувон дўструмоли билан билинтирмай бурнини ёпди. Унинг бу ҳаракатини кампир кўрди шекилли, сандалга исирқи ташлади.

— Қиш уйи тор, болам, — кампир неварасини эркаларкан, қушиб қуйди, — газимиз йўқ. Бунинг устига сивет ўлгур учиб туради. Қишлоқ-да, ўғлим қишлоқ!

Меҳмонлар ўзлари билан олиб келган қовурилган товۇқ гушти, ҳар хил пишириқларни дастурхонга ташладди. Кампир уларнинг ҳатти-ҳаракатини кузатаркан бир тўхтама қолди: «Созанда отарчилар эканда булар. Атир-ўпа, ялтур-юлтур кийимлар, анавинининг оғзидан ароқ ҳиди келадими? Ишқилиб, тинч кетишса бўлган!»

Меҳмон унғайсизланиб, ўзини таништирди. — Исми Турдиали, қушқичман. Бу киши келиннингиз Лобар, санъаткор!

Турдиалининг «келиннингиз» деган сўзи Лобарга ёқди шекилли, хумро кўзларини сузиб, ерга гажди. Сўнг:

— Бу бола неварангизми? — сўради у, — онаси қаверда?

— Ҳа, исми Умиджон, — кампир меҳмонларга олиб туришлар, дея ишора қиларкан, сузида давом этди, — Онаси балнисада ишлайди. Бугун наватбачи экан. Назокатим эрталаб келди.

Турдиали кампирнинг бу сузларидан хушёр тортиди, бехос қўлидаги пивлани дастурхонга қуйди: «Духтир... Назокат дедими кампир? Уша бўлмасин тагин?»

ЧОРРАҲАДАГИ ОДАМ

Турдиалининг миясига ари киргандек бўлди. Хонага зимдан қаради. Равоқдаги чироқ ортдаги суратга қизи тушди-ю, ичиди нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. «Ҳа, аниқ, бу Назокатнинг узгинасику?! Қара, пайваста қовшона, катта-катта қуларни, унғ юзидagi холи девона қилганди сени: Худди шу суратдан бирини сенга бермаганмиди?»

— Иссиқ чой қуйими? Турдиали ака? Лобарнинг бу сузи унинг хаёлини бўлди. Иста-истамас ҳа, деди-ю, яна... кампир қўлидаги гудакка боқди. Олпоққина, худди Назокатнинг узи-я. Эри ким экан? Сўрасинчи? Ахир, одам-одамга ухшайди-ку! Орадан анча йил ўтди. Эсида, уларни курсдошлари Тоҳир-Зўҳра дейишарди. Пахтани бирга теришар, овқатни бир қосада ейишар, дарсда бир партада утиришарди.

бузуксан, ҳам деди. Қиз тушунтирди, бўлмади. Аммо, Назокат уни қаттиқ севарди. Қишлоққа врач бўлиб қайтганда Турдиалининг совчи кутди, келмади. Йиллар ўтди, уни қари қиз деб аташди. Айримлар ишқили бўлса керак, юрибди-да, яхши тош йўлда қолмайди, дейишди. Бунинг устига акалари орият устига уни ким сўраб келса берамиз дейишди.

Шундай ҳам бўлди. Мана, қушни вилоятнинг бир олис қишлоғига тақдирини боғланган экан. Турдиалини юрагидан суғириб ташлай олмаса-да, тақдирга тан берди. Узидан ун ёш катта Усмон инженерга узатишди. Ҳаёт экан — чидади. Фарзандли бўлди: икки ўғил — каттасига Турдиали деб ном қуйди. Умиджонни туғилганда эри янги машина олиб келавтганда ҳалокатга учраб, оламдан ўтди. Қисматида шу кунлар борлигини у биларимиди? Асло!

МИЛЛИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

Иқтисодий тараққиётга мамлакатнинг кўна тарихи, анъаналари, урф-одатлари, дунёқарashi тусқинлик қилади, умумиқтисодий қонуналарни жамият ҳаётига татбиқ қилиш қийинчиликларни эътиборга олиш зарур. Иқтисодий тараққиётга мамлакатнинг кўна тарихи, анъаналари, урф-одатлари, дунёқарashi тусқинлик қилади, умумиқтисодий қонуналарни жамият ҳаётига татбиқ қилиш қийинчиликларни эътиборга олиш зарур.

Миллий ўзига хосликлар тусқин эмас, аксинча, тараққиётнинг муҳим омилли бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги кўна ташланади. Сир эмаски, ҳар бир янгилик ниманидир рад этади, кимнингдир манфаатларига даҳл қилади, жамиятда ҳукрон бўлиб келган қадриятларга бошқача кўз билан қарашга, ҳатто уларни қайта баҳолашга сабаб бўлади.

Халқ ҳеч нарсани қадриятлар алмашувичалик оғриниб қабул қилмайди ва ҳеч нарсаси ва қадар кескин қаршилик кўрсатмайди. Негаки, одамлар ҳамини нимагадир суғийиб яшашга, келажакка умид билан боқишга одатланган. Уларга янги бир танқид нуқтасини топиб бермай туриб, борини рад этиш фожиаи оқибатларга олиб келади. Собиқ СССР парчаланиб кетишнинг асосий сабабларидан бири сифатида иқтисодий таназул баробарида қадриятларни қайта баҳолаш тилга олинаётгани ҳам беҳиз эмас.

Нима бўлганда ҳам, янгилик одамларнинг эртанги кўнага бўлган ишончига даҳл қилмаслиги керак. Тараққиёт олдидаги саросима шахсининг эртанги кўнага ишончи йўқолиши эҳтимолидан келиб чиқадиган руҳий ҳалокат. Шундан келиб чиққан ҳолда, тарихнинг бурилиш даврида янгиликни халқ онгига унинг эртанги кўнага бўлган ишончига, қолверса, эътиқодига даҳл қилмайдиган тарзда синдириш эҳтиёжи туғилади.

Исоният тарихида энг кўна қон туқинлар сабаби ҳам у еки бу халқнинг эътиқодини, урф-одатларини, маънавиятини, яшаш тарзини узартиришга бўлган уринишлар эди. Бинобарин, булар халқнинг миллий ўзига хослидир. Уларга даҳл қилиш унинг эгаменлигига, эркин тажовуз қилишидир.

Лекин халқларнинг урф-одатлари, дунёқарashi, эътиқоди тараққиётга тусқинлик қилиб қолган уринлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ҳам, янгиликни қабул қилиш баробарида, айрим қўнама ва тушунчалардан воз кечишга туғри келади.

Масалан, христиан ақидалари тadbиркорлик ва судхурлик билан келиша олмаган бир пайтда бундай фаолият турлари билан фақат «гайриндир» — яҳудийлар шугулланар эди. Урта асрларда ҳужалик юришти этикаси маҳсулотнинг одил баҳоси ва рақобатсизликка асосланган эди. Бундай тушунчани биринчи бўлиб яҳудийлар энгиб ўта олд.

Бунинг сабаби шундаки, қишлоқ ҳужалиги экинлари етиштириш билан машғул бўлган яҳудийларнинг ўз диний маросимларини тула адо этиш имкони йўқ эди. Айнан шу ҳол уларни савдоотиқ ва пул савдоси билан шугулланиб кетишларига олиб келди.

XVI асрнинг биринчи ярмида Женева шахрининг диктатори Ж.Кальвин асос солган протестантизм тизими — кальвинизм, дунёвий

ҳаётни бус-бутунича черковга буйсундиришга эришганига қарамай, буржуазияга тadbиркорликка йўл очиб берди. Кальвинизм, ҳудо ҳар бир кишининг яхши-ёмонлигини олдиндан белгилаб қўяди, деган ақидали илгари сурган бўлса-да, ҳар бир диндор илму амали билан яратганининг «суюкли бандаси эканини исбот қилиши мумкинлиги»ни ҳам инкор этмас эди. Мазкур ақида бутун христианлар онгидан тунтариш ясади, яъни тadbиркорлик билан христиан динига мансуб буржуазия ҳам шугулланишига кенг йўл очиб берди.

Гарбда христианликнинг кўнаб тармоқлари пайдо бўлиши сабабларидан бири ҳам мавжуд анъаналар, дунёқарашлар, урф-одатларини давр талабига мослаб, ислоҳ қилиб бориш бўлган, яъни доимо мавжуд диний ақидалар билан янгилик уртасидаги зиддиятларни бартараф этиш йўллари изланган.

Христианликнинг энг катта тармоғи бўлмиш Рим-католик черковининг тасири ривожланган мамлакатларда камайиб бораётгани сабабларидан бири ҳам ана шунда. Мазкур черковга итоат қилувчиларнинг асосий қисмини дуненинг энг қоқоқ мамлакатларидан ташқил топган Латин Америкаси ва Африка аҳолиси ташқил этади.

Тараққиёт ҳужалик юришти ва маийий турмуш

Италия Президенти Оскар Скаларфо мамлакат Бош вазири Романо Продиға мактуб йўллаб, Алп тоғларидаги дам олиш масканларининг бирида бир нечта беғуно одамнинг ҳалокатга учраши сабабларини аниқлаш учун тезкор ва очик тергов ишларини ўтказишга даъват қилди. Маълум бўлишича, АҚШ

ҳарбий ҳаво кучларига қарашли самолёт Кавалец шахри атрофида машқ қилаётиб, дам олувчиларни тоққа олиб чиқиш ва пастига тушириш учун қурилган осма йўлнинг тросини узиб юборган. Натияжада ичида 20 нафар чанғичи бўлган кабина жарликка қўлаб тушган. Ҳарбий самолёт эса, Босниядаги Авиано

шахридаги НАТО миссияси қароргоҳига келиб қўнган. Айни пайтда Таллинда меҳмон бўлиб турган Италия Бош вазири Р. Проди мазкур фожиадан қаттиқ қайғуга тушганини айтиб, «бундай вазиятда кабинадаги эмас, самолётдаги одамлар ҳалок бўлиши керак эди», деди. Италия мудофаа вазири

лиги раҳбарияти эса, тоғли худудларда ҳарбий парвозларни амалга ошириш мезонларини қайта қўриб чиқишни билдирди. Маълумки, ҳалокат содир бўлган Тренто вилоятида маҳаллий қонунларга бинадан, 500 метрдан паст баландликда самолётлар парвози тақиқланган.

ҚИРҚ ОИЛАДА ҲОВЛИ ТҮЙИ

БУХОРО. Қадимий шахарда уй-жойлар қурилишига эътибор катта. «Бухороқурилиш» ҳиссасдорлик жамияти бунёдкорлари яна бир беш қаватли уйни фойдаланишга топширдилар. Шаҳар кўрқига қурқ кушаётган бу бинода унлаб оилалар ҳовли тўйларини нишонладилар. Улар орасида вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларидан қирқ нафарини ҳам янги уйли бўлиб, оилаларга қувонч бахш этишди.

Даврон БАҲРОНОВ.

рубга чиқаришга тусқинлик қилмоқда. Бу эса кейинги йилларда кузатилаётган иқтисодий турғунликка олиб келди. Бошқа мамлакатлар тажрибасини бевоқифа улаштириш ҳамини ҳам қўл келавермайди. Масалан, Латин Америкаси мамлакатлари АҚШ тажрибасидан айнан нусха кўчириш йўлини тутиб, жиддий қийинчиликларга дуч келишди. Шахслар тadbиркорлигига асосланган меҳнатга протестантизм муносабат («Хўдога етиштириш» энг яқин йўли — меҳнат)ни католицизм қабул қила олмайди.


Меҳнатга протестантизм муносабат кўп жиҳатдан Баҳовулдин Нақшбандистеъмомга киритган «Дил ба еру даст ба кор» ақидасини эслатади.

Марказлаштирилган тақсимот ва режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечираётган янги муносабатларга, ҳусусан, Ўзбекистон шароитида тарихининг, анъаналар, урф-одатлар, яшаш тарзи ва халқ дунёқарашининг қандай урни бор, деган ҳақли савол туғилади. Янгилик дунёқараш ва тафаккурни шакллантириш учун тарих, маънавият, анъаналар, маданият, миллий «яшаш тарзи» бизга нечоғли қўл келади?

Тadbиркорлик ва бозор шароитида яшаш руҳининг халқимиз онгига қийинчи-

лик билан сингаётгани сабабини узоқ тарихдан еки миллий урф-одатлардан эмас, аксинча, яқин ўтмишдан, мустамлака давридан излаш керак бўлади. Негаки, етмиш йилдан охиқроқ вақт мобайнида умумлавлат миқёсидаги «крепостнойлик»ни бошидан кечирган халқ руҳиятидаги давлат — тақсимотчи амалдорлар қўлига қарамаликни бир зарб билан энгиш мумкин эмас. Боқимандалик етмиш йилдан зиёроқ вақт мобайнида халқ онгидан шаклланган танбаллик эмас, аксинча, мулксизлик ва эркинлик одами не қўйларга солиши мумкинлигини курсатувчи ҳаёт тарзилир.

Бир лаҳза маркчасига, ҳамма нарсани манфаат белгилайди, деб фарз қилайлик — да, боқимандалик аҳолини бир қўздан кечирайлик. Бу ҳолатда узини боқиб турган тақсимотчи раҳбарини танқид қилиш у ёқда турсин, ундан ўз ҳақини талаб қилиб олишининг ўзи улимдан қийин. Шунда у нима қилади? Қандай йўл тутали? Уйлаб ўтириш ҳам шарт эмас. Унинг учун жоноҳон партияси уйлаб, ҳамма нарсани ҳал қилиб қўйган: у-з-узини танқид қил. Демак, «яни» — совет кишининг манфаатига ў-з-узини танқид қилишдан бошқа нарса зид келади.



«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни мамлакатимизнинг энг йирик корхоналаридан биридир. Бу ерда кўплаб газета ва журналлар босилиб, халқимизга етказиб берилади. Концернда ўз ишининг устаси бўлмиш малакали кадрлар кўплаб топилди.

Мохубат Жамол ўғли Аслонов ана шундай мухтаassisлардан биридир. У қарийб 30 йилдан бери ўз касбига садоқат қўрсатиб келмоқда. Ёшгина Моҳубат дастлаб газета босиш цехида оддий ишчи, кейинчалик эса узоқ даражасига етди. Тажрибаси тобора юксалиб бориб, ниҳоят газета цехи бошлиғи даражасига кўтарилди. Меҳнатга кўпчилиқка ўрнак кўрсатди. Яқинда унга «Концерн меҳнат фахрийси» кўркрак нишони топширилди.

СУРАТДА: Моҳубат Жамол ўғли Аслонов компьютерда газета саҳифаловчи Қодиржон Қаюмов билан.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

этикасига узгартиришлар киритиб бораверади. АҚШ учун анъанавий бўлган протестант, пресвитериан, методист, епископал черковлари ҳам аста-секин таназзулга юз тутиб, уларнинг урнига майда ва мустикал черков ташкилотлари вужудга келмоқда. Чунки улар жамоанинг оддий аъзоларига яқинлиги, диндорларнинг эҳтиёжларига тезроқ мослаша олиши билан ҳам катта аҳамиятга эга. Эркин бозор шароитида ҳатто эътиқод масаласида ҳам бозорнинг талаб ва тақлифлари амал қилиши қизиқ бир ҳол.

Муайян бир мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибасини бевоқифа улаштириш намунаси сифатида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини келтириш мумкин. Хонконг, Жанубий Корея, Таиланд ва Сингапур каби мамлакатлар учун Япония тажрибаси муҳим урин туғди. Меҳнат, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик борасидаги конфуцийча этика умумийлиги, диний-маданий дунёқараш ва қадриятлар яқинлиги кўнчиқар мамлакат тажрибасини бевоқифа улаштиришда айтарли мушкулот туғдирмади. Шу билан биргаликда, Гарб мамлакатларининг бозор муносабатларига ўтиш тажрибасини, уртадаги тафо-

вутлардан қатъи назар, фақат Японияга муваффақиятли улаштириш оғди. Бунда унинг иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ томонидан оқкупация қилинган ва бутунлай яйронга этилган иқтисодиётини тиклашда америкаликлар ҳар томонлама ердан берганини ҳам ҳисобга олиш керак. Японлар ҳужалик юриштининг гарбча усулларини мажбурий-ихтиёрий равишда ўз урф-одатлари, анъаналари ва яшаш тарзига мослай олд.

Сингларнинг фикрича, бу борада японларнинг шои етиштиришдаги ўта машаққатли ва зерикари даражадаги майда меҳнат малакаси иқтисодий муъжизалар яратишининг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилди. Мазкур малака янгиликнинг қабул қилиш мушкулотини энгишда қўл келганини айтиб ўтиш жоиз.

Туғри, ҳужалик юриштидаги миллий анъаналар айрим уринларда иқтисодий устига монелик қилаётган уринлар ҳам йўқ эмас. Кейинги йилларда япон менсжементининг тамал тошларидан бири бўлмиш хизматчиларни лаёқатига қараб эмас, фақат корхонада неча йил ишлаганига қараб, рағбатлантириш ва мансабга тайинлаш қобилиятли ёшларни қўлаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини тула

Бечора Ватанини ҳам юқоридан курсатма билан севади. Севганда ҳам умри бино бўлиб, қадим босмаган тундраю кўтбни қўшиб севади. Унга нимани севишининг, қаерни ватан деб билишининг фарқи йўқ. Сев, дейишса, деб, севаверади. Сабаби, мулкдан айрилган киши учун Ватан, эътиқод, миллат, урф-одатлар, анъаналар мавқум бир тушунчага айланади қолади.

Уз мулкига эга бўлмаган киши тadbиркор бўлиши мумкинми? Йўқ. Чунки унинг қўлида қонуний йўл билан бойлик орттириш учун на тажриба ва на бошланғич сармоя йўқ. Тadbиркор учун эса совет даврида бойининг битта йўли бўлган: товламачилик, уғрилик, юлғичлик, олиббосарилик. Ва у ҳам қонунлар билан тақиқланган.

Боқиманда кишининг онгига шу Ватанга эғалик ва эркинлик туғусини тезроқ синдириш учун эса қўлига мулк бериш лозим. Шунда у мулкнинг Ватан деб билдиган, унинг даҳлсизлиги учун ўзи қайтурадиган бўлади. Унинг тушунчасидаги Ватан Ўзбекистон сарҳадлари қадар кенгайиши учун эса унга тарихни, маданиятни ўқитириш, халқнинг маънавий хотирасини тиклаб бериш керак. Республика ҳукумати-нинг маънавият муаммоларига, миллий турурни кўтаришга, миллат тарихи, анъаналари, урф-одатларини тарғиб қилишга, шунинг баробарида умумлашарий қадриятларга, демократия принципларини қарор топтиришга катта аҳамият бераётгани сабаби ҳам шунда. Чунки янги глобаллашув жараенида фақат миллий-маънавий қадриятлар билан чекланиб қолган маҳдулликка, уларга мулкка эғтибор бермай, бошқа жамиятлардан нусха кўчириш, уларнинг қадриятларини меҳнат равишда узимизда жорий қилиш эса миллий

устига хосликни қурбон қилишга олиб келади. Шу маънода бу узимизга энг яқин мамлакатдан — Туркиядан ҳам нусха кўчира олмайми. Шунинг учун ҳам Президент Ислам Каримов Ўзбекистоннинг ўзига ҳа ва мос тараққиёт йўли борлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтган эди.

Кейинги пайтларда республикада тарихни, миллий анъаналарини, маънавий меросни қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган тadbирлар айнан шу хайрилик мақсадни амалга оширишга йўналтирилган. Янги пайдо бўлаётган мулкдорлар уртасидаги муносабатларни қонун йўли билан изга солиб туриш ҳам мумкин. Бироқ бу борада халқнинг бой маънавий мероси аҳамиятидан қўз юмиб бўлмайди. Чунки қонунларга амал қилиш замрида ҳам маънавият етади. Шунинг учун ҳам давлат эркин иқтисодиёт шароитида маънавият ифодачиси сифатида фаолият кўрсатади. Чунки унинг ҳуқуқий асослари халқ маънавиятига таянади.

Гарчанд Адам Смит иқтисодиёт ва маънавиятни бир-биридан узиб-кесиб ажратиб талқин қилган бўлса-да, Макс Вебер уларни эркак ва аёлга менгаган эди. Унинг фикрича маънавиятдан урулган мавқум иқтисодиёт беғушдир.

Бозор муносабатларини жорий этишда анъаналарнинг аҳамияти тўғрисида гап кетганда, аввало шунинг эста олиш керакки, ўзбек халқи азал-азалдан меҳнатсевар, бардошли, ичрочи ва жамоадан ажрамаслик ҳусусиятида эга. Бошқа мамлакатларнинг бу борадаги тажрибалари, янги технологиялар мазкур ҳусусиятлар билан омичта этилса, мавжуд қийинчиликларни тез орада энгиб ўтиш йўллари очилади.

Франциядаги Гренебль-2 университетининг профессори И.Самсоннинг ҳисоб-китобларига кўра, собиқ социалистик мамлакатларда бозор муносабатларига ўтиш даврида ҳужалик фаолияти-

га имкон берди. Европаликлар учун тушунарсиз, ҳатто, жиноят бўлиб қўрилган қариндош-уруғчилик Япониянинг иқтисодий муъжизаларига сабаб бўлди. Кўнчиқар мамлакатда коллективизм шу даражадаки, йирик компанияларда ишловчилар бир мавзеда яшашди, ҳатто уларнинг қабристонини ҳам бир. Бир жамоадан бошқасига утиб кетиш хонинлик ҳисобланади. Бу ҳол кўп жиҳатдан маҳалла феноменига ухшаб кетади. Маҳаллада ҳам одамлар бир-бирини танийди, хурмат қилади, алдамайди, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашга мажбур. Агар у ерда санаот олиб қилинса, шу асосда ишлаб чиқариш муносабатлари қарор топса, иқтисодий курсаткичлар анча юқори бўлиши шубҳасиз.

Кичик жамоанинг катта жамоадан кўра яшовчанлигини ҳаётнинг ўзи қайта-қайта исботлайди. Дунё иқтисодиётида кичик ва урта корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар улуши жуда юқори. Маҳаллага ухшаб муассасалар дуненинг бошқа мамлакатларида иқтисодий муъжизалар яратмоқда. Бунга Парагвайдаги менионитлар, АҚШдаги тампш ва Исрондаги кибуц коммуналарини мисол қилиб келтириш мумкин. Демак, иқтисодий ютуқларга эришишда ҳам, ижтимоий муаммоларнинг ҳал этишда ҳам маҳаллаларнинг аҳамияти бекиес.


Шу мисоллардан ҳам қўринадикки, тараққиётнинг таъминлашда миллий ўзига хослик, халқнинг урф-одатлари, маданияти, дунёқарashi муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Ҳамма гап халқ маънавияти, тафаккури ва иштишларини, унинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, жамият равақига хизмат қилдири билишда.

Фахриддин НИЗОМ.

ГАЗЛАШМАГАН ХОНАДОН ҚОЛМАҚ

САМАРҚАНД. Каттақўрғон туманидаги «Пайшанбагаз» жамоаси ходимлари бир кеча-кундузда 800 минг куб-метр газни аҳолига узлуксиз етказиб бермоқда. 18619 хонадон газ билан таъминланган. Бу эса 81,6 фоизни ташкил этади. Газчиларнинг эндиғи мақсади каттақўрғонликларни юз фоиз «зангори олов» билан таъминлаш. Шу мақсадда савий-ҳаракатлар қилинмоқда. Қисқа муддатда 25 километрга газ қувурлари етказилди. Демак, яқин орада арзон ёқилғи етиб бормаган бирорта хонадон қоқмайди.

Ў. ПУЛАТОВ.



Изоғи сиздан. Шербек ИБРОҲИМОВ олган сурат.

ЕРГА ЭҒАЛИКНИНГ МЕЪЁРИЙ ҲУҶЖАТЛАРИ ЗАРУР

Қишлоқ ҳужалиги равақи учун мамлакат миқёсида ҳаракат бошланди. Чунончи, Галла мустикалликка эришининг асослари яратилди. Илгари дон импорти 60-70 фоизни ташкил қилар эди. Сунги уч йилда бугдой экиладиган ерлар 300 минг гектардан ошди. Натияжада дон импорт қилиш б баробар қискарди. Кейинги йилларда 100 минг гектардан ортиқ янги ерлар улаштирилди, ҳар йили 40-50 минг гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, натияжада деҳқончиликмизда ҳосилдорлик ошди. Бир суз билан айтганда, аграр соҳамизда барқарор ва самарали ривожланиш руй бермоқда.

Бироқ ер-сувдан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш кучларини турғи ва самарали тақсимлаш, ҳуллас, ерга эғалик сир-синоатини урганишда бироқ оқсапмиз. Ерга эғалик қила билиш йўли-йўригини кўра ва ҳар томонлама ишлаб чиқиш айтиқ келди. Бу уринда хорижий, айниқса Голландия, Исрон, Янги

Зеландия, Хитой ва бошқа давлатларнинг пухта ва самарали тажрибаларини мукаммал урганишимиз керак. Чунончи, биргина Голландия қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича жаҳонда 2-3 уринда туради.

Давлатимизнинг умумий ҳайдалаган суви ер майдони 4 млн. 300 минг гектарни ташкил қилади ва бир миллион гектардан ортиқ ерлар фермер ва деҳқон ҳужалиқлари ихтирида. Бундан қўрииб турибдики, ерларга эғалик икки қисмга: давлат эғалиги ҳамда фермер ва деҳқон ҳужалиқлари эғалигига бўлинади. Агар тарихимизга назар ташласак, ҳосилдор ерлар ва суғориш тармоқлари давлат ихтирида бўлган. Қишлоқ оқсоқоллари, ҳоқимлар ерга эғалик қилиш ва ундан фойдаланишда қатъий шарт-шароитларга, ҳуқуқий қабулларга риоя қилишган. Ерларга ишлов бериш, сув тармоқларини умум назорат остига олиш, айниқса, миросув тақсимловчи, сув ҳужай-

ни, ҳосилот раислари — ҳосилнинг яқин умудорлиғи учун жавобгар шахслар жорий қилинганки, ҳосилдорлик учун мажбурий ҳолатни сақлаганлар ҳамда ҳосилнинг бешдан бир қисмидан тортиб ярмигача ҳазина учун ижара ҳақ тулганган. «Мамлакат ери» деҳқонларга ижарага берилган; ерга эғаликнинг умумий томонлари — ишлов бериш, сув билан таъминлаш масаласида қишлоқ оқсоқоли, ҳосилот раиси ва мироснинг ҳуқуқ ва роли катта бўлган.

Мамлакат ерини бировага ҳада қилиш, васият қилиб қолдириш мумкин эмас эди. Шу уринда, юртбошимизнинг фикрларини келтирмоқчиман: «Фақат уғил отаси фойдаланган ердан шартли равишда фойдалана олган. Буларнинг барчаси яқин ўтмишда Урта Осиёда ҳам ерга тула эғалик қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаганидан далолат беради». Бу — масаланинг узағи.

Биз бу уринда ерга эғалик хорижда қандай йўлга қўйилганига назар ташлайлик. Ри-

вожланган мамлакатлар — Голландия, Бельгия, Дания, Япония, Австралида тегишли давлат органларининг маҳсус руҳсатсиз ер сотилмайди, ҳада қилинмайди, ижарага ҳам берилмайди. Ерга эғаликнинг юртимизда эғалик хос томони давлат томонидан бошқарилишини талаб қилади. Демак, ўз-ўзидан маълум бўладикки, давлатнинг ерга эғалиги, унинг ҳуқуқий талаблари жаҳондаги ривожланган мамлакатлар каби ҳар қандай мулк эғалигидан кескин фарқ қилиши, турли шарт ва омилларга буйсунишини тақозо этади.

Масаланинг бу жиҳатдан туб моҳияти — ерга эғалик жаҳон мезонлари талабига тулук жавоб беради, деб бўлмайди. Гарчи, қатор қонунлар қабул қилинган бўлса-да. Демак, истиқлолимизнинг дадил омиллари ерга эғалик ва ундан фойдаланиш масаласи бўйича янги қонун ва меъёрий ҳужжатлар, энг аввало Ер кодексини қабул қилишни тақозо этмоқда.

Каримжон НОРМАТОВ.

Мулоҳаза


ҚИШЛОҚДА ҲАМ ЯРАТИШ МУМКИН

Шахрисабзда жаҳон андозаларига мос олма ва узум шарбатларининг «Мевалар камалаги» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонасида қадокланаётганлигини эшитиб, «Шахрисабзконсерва» ҳиссадорлик жамияти раиси Неъмат Исмоилов билан боғландик.

— Неъмат ака, қишлоқда ҳам кишини лол қиладиган корхона очиб мумкин эканку, — дедим қизиқиб.

— Албатта-да, ҳозир мамлакатимизда ишлаш учун имконият керагидан ҳам ортиқ. Ҳаракат бўлса бас. Қишлоқда ҳамма нарсани яратиш мумкин. Бунинг устига биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар учун хом ашёни пишиқчилик даврида бемалол Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ ва Чироқчи туманларининг соҳибкорларидан йиғиштириб олиш имконияти бор.

Дарҳақиқат, «Шахрисабзконсерва» ҳиссадорлик



жамияти қошида ўтган йили мустақиллигимизнинг 6 йиллиги тўйига муносиб совға сифатида иш бошлаган «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси тез орада кўпчиликнинг эътиборига тушди. Олма, узум шарбатлари оғборларда туриб қолмапти.

Ҳозирда кунига 8 тонна маҳсулотни қайта ишлаб,

5,5 тонна олма ва узум шарбатларини қадоклаётган қўшма корхонанинг аҳил жамоаси, келгусида помидор шарбатларини ҳам тайёрлашни олдиларига мақсад қилиб қуйишган. Яна бир муҳим жиҳати, 90 нафарга яқин маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган.

Ислоҳот ва масъулият

миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, қиш мавсуми бўлишига қарамай шарбатларга талаб ортиб борапти.

Қўшма корхона бош директори Алишер Темировнинг таъкидлашича, ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Қувонарлиси, бу ерда ишлаётганлар манфаати бир неча барабар ошган.

Биз шу ерда бош энергетик Мухтор Бойқобиллов, ишчилардан Равшаной Эргашева, Елена Йулдошеввалар билан суҳбатладик. Улар корхонани мустақиллигимизнинг навбатдаги тухфаси, деб билаётганини айтишди.

Ҳа, қаерда эвланиш, янгиликка интилиш бўлса, уша ерда муваффақиятлар бўлаверади. «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси ҳам миллий гуруҳни узига жо қилган юртдошларимизнинг, тадбиркор биродарларимизнинг гайратли ҳаракатлари натижасидир.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Шукрим, юртимиз бошида эркинлик қўёши балқиб турибди. «Гуруч курмаксиз бўлмас» дейди доно халқ, баъзи-баъзида хозирги фаровонликка ишонқирамаган, ёхуд уз келажаги, миллат келажагини қадрини билмаслар ҳам йўқ эмас, албатта. На чора, ҳар инсоннинг ўз дунёқараш бора, бу эса табиат қонуни.

Неча бора такрорлаймиз — шукрим, замонамиз тинч, юртимиз обод. Мен ҳам шу она халқимиз фарзанди сифатида, муқаддас юртимни жон дилдан севаман. Неча минг йилликларга хос рангоранг тарихига ҳавас билан боқаман. Ҳамма жойда айтимокда, халқимиз кейинги йилларда (мустақилликка эришгунга қадар) ўзлигини йўқота бошлади, бизга «қизил империя» ўз таъсирини ўтказди ва бошқалар. Ана шу вақтларда ҳаёлга ботаман. Қизиқ неча минг йиллик тарих олдида етмиш йил нима деган нарсаси. Наҳотки шунчалар узоқ ўтмиш ўзлиги буюк бўлган

халқ етмиш йилда узгарган бўлса. Фикримни теранроқ қилиш мақсадида баъзида ойнаи жаҳон орқали ёки йиғинларда, матбуотда биз етмиш йил ундай яшаган эканмиз, бундай яшаган эканмиз, билмаган эканмиз қабилада гаплар бўлиб тури-

жаҳонга донг таратиб келган. Мен уша мустабид тузумда бошқа миллат халқлари ўзлигини йўқотди, урф-одатини унутди, дея олмайман, қайси халқ уз меҳнати билан урин олган экан у абдий яшайди ва тарихда ўз

Миллат қадри

Шундай экан, нега биз халқимиз қадрини уша мустабид тузум билан тенглаштиришимиз керак.

Азиз юртдошлар, биз ҳеч қачон ўз халқимиз шаънига доғ туширмайлик. Қисиниб-қимтиниб бизга зуғум қилишди, демасдан биз ўқтам эдик, мард эдик дейлик, ҳақиқатда ҳам ана шундай эди. Албатта, хозирги авлод зиммасига тушган мустақиллигимизни келажак авлодимиз баҳолайди. Шундай экан, биз кейинги авлодларга Ўзбек халқининг ўзбекчилигини, асрий урф-одатини, соғлом жамиятини, хур фикрли инсонларни қолдирмоғимиз даркор. Шундагина авлодларимиз биз курган жамиятга ҳам ва ифтихор билан қарайди, ушбу дорилмомон кунларимиз тарихга айланганда ҳавас билан ўқиб-урғанади.

Сулаймон ҲАЙДАРОВ.

ЎТКИНЧИ БУЛУТ

шини айтмоқчи эдим. Ана шундай фикрловчи кишиларга, эй биродари азиз, сиз ўйлаб гапиряпсизми? Мулоҳаза қиляпсизми? Ўзбек халқи қачон ўз қадр-қимматини паст тутган, дегим келади.

Уша мустабид тузумнинг энг қолоқ, энг мукамал даврида ҳам ўзбек халқининг ўз ўрни бор эди. Қайси тузум бўлишидан қатъи назар ўзбек халқи ҳалол меҳнати билан, доимо нони, олтинию маъдани билан

ўрни бўлади. Тарих олдида етмиш йилли баҳор ойида кукда сузиб юрган булутга ўхшатаман. Баҳор ойида чиққан булут қуёш юзини бир неча дақиқага ёки бир неча соатга тусиши мумкин, аммо у ўткинчидир. Уша етмиш йиллик тузум ҳам тарихнинг юзига соя солган ўткинчи булут эканлиги ҳаммага аён. Тузум ўз йўли билан, аммо миллат, ўзликини ағлаш, кадр-қиммат ўз йўли билан, албатта.

БАРЧА ШАРОИТЛАР МУҲАЙЁ

«Нагано-98» Олимпиадаси бошланишидан анча бурун япон метеорологлари ва башоратгўйлари «Бу йил тоғларда қор кам бўлади», деб ташкилотчиларни чўчқитган эди.

Ҳолбуки, бу йил Японияга тушган қор ҳар йилгидан бир неча барабар кўп бўлди. Ҳозир Наганода қорнинг қалинлиги 70 сантиметргеча етди.


Ҳозир ўйингоҳлар орасида 1730 та автобус қатнамоқда. Ҳар бир ҳайдовчи рақия орқали марказий диспетчер билан боғлиқ турибди. Бу спортчиларнинг мусобақаларга ўз вақтида етиб боришига имкон яратмоқда.

Қишки Олимпиадада 2400га яқин спортчи қатнашмоқда. 8000дан зиёдрок журналист мусобақаларни ёритмапти. Уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун Япония бош полиция бошқармаси йирик тадбирларда ишлаш маалакасига эга бўлган 6000дан ошдиқрок кишини Наганога жалб қилди.

Улар орасида полициянинг иштатадди ходимлари, кўнгилчилар ва хусусий муҳофаза хизматларининг ходимлари бор. Бу кўчаларга қўшимча равишда террорчиликка қарши кураш маалакасига эга бўлган 140 полициячи фуқаро кийимида томошабинлар орасида юрибди.

«ЭТИК» КИР ЮВАДИ

Бир қарашда «этик»-этик, оддийгина пойабzalнинг узлигини. Фақат оёгингизга кийибмас, боғлаб олсангиз бўлди. Бозор учарга кетатуриб кирларингизни «этик»ка — жомошова ташласангиз бас. Қайтгунча ўзи ювилиб туради. Тур халтадан харидингизни бушатибоқ, топ-тоза кийимларни ёйяверасиз.



Япон ихтирочиси Сейчи Ямамура ўз кашфиётини фақат аёлларгагина эмас, эркакларга ҳам тақлиф этяпти. Нима қипти, ишга жунаш олдида улар ҳам болдирига «этик»-кир ювгични боғлаб олишса бўлди-ку. Дастроумол, пайпоқми шунга ўхшаш кир-чирларни «этик»ка ташлаб кетаверади. Балки бу қанақа машина деб тасаввур этишга бироз қийналарсиз. Қийин жойи йўқ. Жажжигина электрон асбобларни ким дунёда биринчи ихтиро этган? Японлар. Соат, чунтак магнитофон, телевизорларчи... Хуш, шундай булғач, «этик»-кир ювадиган» яратса нимасига ажабланишимиз керак. Мослама оёққа маҳкам

лангач, жисмоний ҳаракат туфайли махсус «идишча»даги кирсовун купириб, худди машинадек кирни йилантириб юва бошлайди. Магзаваанинг ҳеч хавфли жойи йўқ. Махсус урнатилган резина найча орқали исталган вақтда тукиб ташланаверади. Ихтиро яқини. Лекин барибир кичкинагина камчилиги бордек туюлди менга. Йулда кета туриб, шу бошгами-елкагами кирни ёйиб кўригидиган «дори»ям булгандайди-я?!

Вақти келиб дазмоллашнинг ҳам уйлаб қуришари. Ажабмас келажакда «этик»-такомиллашса? Яна бир гап. Японлар аёлларга қулайлик учун йул-йўлакка бошимизда ош пиширадиган қозон яратишса-чи? Ана — ихтиро бўларди! Баъзи эркаклар ҳам жон дерди. Билишимизча, ҳозир олимлар хотинларнинг «боши» учун бош қотираётганмиш. Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР!

Ўзингизга ишончи шерик, жамоангизга мансубатдорликни истайсизми? Унга Шахрисабздаги **ЎЗБЕКИСТОН — БРИТАНИЯ «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси** билан ҳамкорлик қилинг! Утган қисқа вақт ичида корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харидорлигини билан оғизга тушди. Шу бонс унга хориждан ҳам талаб ошиб борапти. «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси Швецеларнинг «Тетра — Пак» технологияси асосида тайёрланаётган 1 литрли ва 0,2 литрли идишларга қадокланган олма, узум шарбатларини

СОТАДИ
Хушбўй таъм ва табиий мазаси билан ажралиб турадиган шарбатлар ҳар қандай чанқовбосди ичимликлардан фарқ қилади. Жанубнинг юқори ҳароратли қуёш нурига тўйинган олма ва узумларидан тайёрланган шарбатларга мутлақо шакар қўшилмаган. Аммо, унинг табиий мазаси оғзингизда қолади. Маҳсулотларни харид қилиш нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Мурожаат учун манзил: Шахрисабз шаҳри, Нажим Нугаев кўчаси, 1-уй, «Шахрисабз-консерва» ҳиссадорлик жамияти қошидаги «Мевалар камалаги» қўшма корхонаси. Телефонлар: Шахрисабз — (37532) 2-60-40, 2-57-54. (факс) 2-57-37. Тошкентда — 31-39-26.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

Перу ва Эквадор Президентлари — Алберто Фухимори ҳамда Фабан Аларкон икки мамлакат ўртасидаги чегара масалалари билан боғлиқ можароларни муҳокама этиш учун ўзаро мулоқот ўтказдилар. Мавлукми, Лотин Америкасидаги маъмур икки қўшни давлат ўртасидаги чегаравий можаролар натижасида бир неча марта қуролли тўқнашулар содир бўлган эди. Лимадаги оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, учрашу порасий вазиятда ўтди. Ушбу учрашу томонларнинг давлат чегараларини белгилаш, чегара худудларида савдо-иқтисодий интеграцияни риёвжлантириш ва хавфсизликни таъминлаш борасида музокаралар олиб борувчи тўртта комиссия таркибини эълон қилганидан сўнг бошланди.

Хитойнинг махсус мухтор тўжани — Сянган (Гонконг) маъмурияти зилзила оқибатида жабр кўрган Хэбэй вилояти аҳолисига 5 миллион Гонконг доллари миқдоринда қўшимча молиявий ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Ёрдам кўрсатиш буйича Сянган жамоат жамғармаси вакилларининг таъкидлашича, жорий йилнинг 10 январидан юз берави табиий офат натижасида жабрланган Хэбэй аҳолисига шу кунгача 17 миллион Гонконг доллари берилган.

ҚОЧОҚЛАР МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Бишкекда оммавий ахборот воситаларида қочоқлар муаммоларини ёритишга бағишланган «Марказий Осиё республикалари журналистларининг минтақавий семинар-машғулотли бўлиб ўтди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар ишлари буйича Олий комиссари бошқармаси (UNHCR) ва «Аёллар Марказий Осиё оммавий ахборот воситаларида» маркази (WIMCA) ташкил этган узоға хос илк машғулотда қочоқлар ва миграцияга оид масалалар қурилди. Қочоқлар — замонамизнинг муҳим фожеаларидан бири. Қаерда урушлар, ҳарбий можаролар, таъкиблар, камситишлар руй берса, қочоқлар пайдо бўлади. Турли ирқ, динга мансуб бундай кишиларни жаҳоннинг турли бурчларидан учратиш мумкин. Жонлари ва хурлигига таҳдид боис улар бор нарсаларини: уйлари ва

ватанларини ташлаб кетиб, қочоқларга айланишган. БМТнинг Қочоқлар ишлари буйича Олий комиссари бошқармаси бутун жаҳонда қочоқларни ўз химоясига олиб, уларга ёрдам кўрсатмоқда. 1951 йилда халқаро ҳамжамият Бош Ассамблеясининг қарорига мувофиқ тузилган бошқарма ҳозир 50 миллиондан ортиқ қочоқларга ёрдам кўрсатмоқда. Афсуски, жаҳоннинг турли минтақаларида давом этаётган маҳаллий низолар, ҳарбий ҳаракатлар, қуролли тўқнашулар ер юзида қочоқлар муаммосини кескинлаштириб юбормоқда. Чунотчи, Афғонистонда 18 йилдан бун давом этиб келатган ҳарбий тўқнашулар натижасида мамлакат иқтисодийти бутунлай ваёрон бўлди, 2 миллиондан ортиқ афғон эса юртини ташлаб қочоқлар лагерларида кун кўрмоқда. Тожикистондаги турт йиллик фуқаро-

лар уруши ҳам қочоқлар муаммосини вужудга келтирди. Куришиб турибдики, қочоқлар муаммосини ҳал этиш учун энг аввало можароларга барҳам бериш, ҳар қандай низоларни тинч йул билан ҳал этиш зарур. Шу боис Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни сақлашга қаратилган ташаббуслари муҳим аҳамиятга молик. Семинар-машғулотда мамлакатимизнинг тинчлик ташаббусларига юқори баҳо берилди. Чунотчи, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочоқлар ишлари Олий комиссариатининг жамоатчилик ахбороти буйича маслаҳатчиси Руперт Колверт утган йил кузида тожик қочоқларининг Афғонистондан ватанларига қайтиш буйича амалга оширилган амалиёт чоғида Ўзбекистоннинг катта ёрдам кўрсатганлигини алоҳида таъкидлади. Бу мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини амалий бажараётганлигининг ифодасидир.

Алишер РЎЗИЕВ.

САҲНАДАГИ ОТИШМА

Маълум бўлишича, фильм тасвирига олинётганидан беҳабар шахслар полицияга кунгироқ қилиб, чумилиш жойида отишма бўлаётгани ҳақида хабар қилишади. Полициячилар тезда етиб келиши. Улар гап нимадалигини суриштириб утирмасдан, актёрларни уққа тутишди. Полициячилар негадир «қаршилик» кўрсатмаётган «жонотчилар»дан шўхланиб қолишди. Афсус, улар «саҳна» билан «ҳаёт» эпизодини англаб етганларида анча кеч эди. Чунки икки нафар «жонотчи» — истеъдодли актёр ҳалок бўлганди... Отишма ривдан—рўвга айланганди. Даҳшатли фильмини суратга олиш повнига етмай қолди. Саҳнадан-да, даҳшатлироқ ҳаётий ҳақиқат, шоқалоқлик шундай хотима топганди.



СУРАТДА: Пхеньян шаҳри манзаралари.

АҚШ Шимолий Корея учун жорий ва келаси йил давомида 200 минг тонна озиқ-овқат етказиб беришни режалаштирмоқда. Мазкур инсонпарварлик ёрдами асосан КХДРдаги оналар ва болалар, ногиронлар ва беморлар учун мўлжалланган.

Хиндистон Бош вазир Индер Гужрал БМТ Бош котиби Кофи Аннани Ироқ атрофида кучайиб бораётган ҳарбий кескинликнинг олдини олиш бўйича эҳтиёт чораларини кўришга чақирди.

Унинг таъкидлашича, Ироққа нисбатан куч

СИЁСИЙ ИҚЛИМ


ишлатиш нафақат бу мамлакат тинч аҳолисига жиддий таъсир кўрсатади, балки бутун Форс кўрфазини минтақасидаги вазиятни янада кескинлаштиради.

АҚШ маъмурияти Жанубий Осиёда юз берган молиявий инқирозни бартараф этишга бағишланган кенгашга 21 мамлакатни таклиф этишга қарор қилди. Кенгаш молия вазирлари ва марказий банк

раҳбарлари даражасида бўлиб ўтади. Маҳаллий кузатувчиларнинг айтишига қараганда, йилгилиш шу йил баҳорда бўлиб ўтиши кутилмоқда.

16 март куни Арманистонда мамлакат президентлигига навбатдан ташқари сайлов бўлиб ўтади. Республика марказий сайлов комиссияси шундай қарор қабул қилди.

Маълумки, мамлакатда сиёсий инқироз юзга келгани сабабли 4 февраль куни Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян истеъфо берган эди.



Калкутта кўчаларида. Абдувоҳид ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Бу ҳали ҳаммаси эмас

ҒАЛАТИ «ШАРТНОМА»

Одамзотнинг табиати қизиқ. Кимдир она—табиатга ошурфта-гербарийлар туспайди, биров асори-атикаларга ўч. Лекин ҳеч маҳал «терисига харидор» топган киши ҳақида эшитганмисиз? Шунга қаси ҳам бўларкан. Парижлик Рокер Клод шундайларнинг биринчисидир. «Тери коллекционер»чи?

Мари Топлье уз коллекциясини Клоднинг териси эвазига бойитмоқчи. Қандай қилиб?

Шу кунгача Клод Юмон ҳафтасига бор-йўғи саксон доллар иш ҳақи билан кун кечирар эди. Хонаси келиб қолди-ю, унинг ҳисоб рақамидан ярим миллион маблағ тувланди. Чунки Клод Юмон яқинда Франция миллионери Мари Топлье хоним билан гайриоддий битим имзолади. Битим шартига кура Клод Мари Топльедан олдин оламдан ўтса, уз терисини унинг шахсий кургазмааси ихтиёрига топшириши лозим.

Клод Топльенинг бу шартига жон деб рози бўлди.

— Бу гайриоддий шартнома баъзиларга эриш туолиши мумкин. Лекин у менинг йилгаётган коллекцияларим учун жуда «новб топилма» деб ўйлайман. Клоднинг улимидан кейин унинг териси қайта ишланган кургазмама экспонатидан жой олади, — дейди 28 ёшли Мари Топлье хоним.

Хоним таъкидлаганидек, «экспонат» бироз гайритабиий. Лекин онгимизда «биринчи» деган тушунча доимо чарх уриб туради. Йўқса, ким терисининг «шилиб» олинишига рози бўларди? Нима бўлганда ҳам Мари хоним — «биринчи» инсон терисини ошлаган эди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА тайёрлади.

АФСУС

Радио тўқинларини кашф қилган Генрих Герц мактабда ўқиб юрганида чилангарлик ишига айниқса қизиқар эди. Бир неча йил ўтгач, муаллим унинг тақдирини ҳақида сўраганда, дустлари: — Э, у машҳур физик бўлиб кетган, — дейишибди. — Афсус, у ажайиб чилангар бўлиши мумкин эди, — деган экан муаллим.

ПОЧТА ҚУТИСИ

Инглиз ёзувчиси Энтони Троллоп бутун ҳаёти давомида 47 та роман ёзган экан. Ундан «Энг яхши асарин» «Из қайси» — деб сўрашганларида, Троллоп: — Почта қутиси — деб жавоб берибди. Чунки бу ёзувчи Англия

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 37 модаси ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 12 моддасига асосан «... Узбекистон фуқаролари уз касб фаолиятларини хорижий давлатларда амалга оширишга ҳақлидирлар. Меҳнат фаолиятини амалга оширувчи Узбекистон фуқароларини ҳақхуқуқларини ҳимоя қилиш тартиби Узбекистон Республикаси қонунчилигида аниқланган», деб қўрсатилган.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикамиз фуқароларининг хорижда меҳнат қилиш ҳуқуқлари тартиби 1995 йил 19 октябрдаги 408 сонли қарорининг 1 иловасида аниқлаб берилган.

Ушбу қарорга асосан республикамиз ҳудудидан меҳнат фаолиятини хорижда амалга ошириш учун кетаётган фуқаролар ёки мулкчилик туридан қатъи назар ташкилот ёки идоралар томонидан, иш берувчи ва шахс уртасидаги келишув, яъни меҳнат фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги шартнома асосида Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 март Ф-81 сонли Қаромиши билан ташкил қилинган «Узбекистон Республикаси фуқароларини хорижда фаолият юргизиш мақсадида жунатиш учун номзодларни таллаб олиш бўйича идоралараро комиссия»га киритилган рўқдан сўнг, Меҳнат вазирлигининг шартнома бериш тартиби урнатилган, бу эса республикамизнинг ҳар бир фуқаросининг тақдирини, ҳуқуқларини унинг бефарқ эмаслигини далolat беради, чунки иш берувчи ва мутахассис уртасидаги меҳнат шартномалари уз ичига муайян шарт-шароитларни олган бўлиши, ишчи олдидagi иш берувчининг мажбуриятлари ва у томондан тиббий сугурта, ижтимоий ҳимоя, яъни қонуний кучга эга тулик шартнома бўлиши шарт, акс ҳолда қуруқ ваъдаларга ишонган оддий фуқаро чет элда ҳимоясиз бўлиб қолиши мумкин. Россия Федерацияси, Қозоғистон ва МДҲ давлатларида баъзи бир хусусий ширкатлар томонидан алданган фуқароларнинг чеккан захмату аламларини ҳар ҳафта ушбу давлатларнинг газета ва журналлари саҳифасида кўриш мумкин.

Бу уринда республикамиз ҳуқуқмати томонидан урнатилган тартиб ҳар томонлама қулай. Бунда Меҳнат вазирлиги томонидан фуқаролар билан тузилган меҳнат шартномалари халқаро стандартга мос ҳолатта келтирилади, уларни иш берув-

чилар тўғрисидаги маълумотлар билан таништирилади ва бориладиган мамлакатда меҳнат қилиш тартиб-қоидаларини тушунтириб утилади. Уларга берилган йўлланма асосида хорижда иш берувчи томонидан бирон-бир камситилиш ёки шартномани бажармаслик ҳолатларида Узбекистон Республикаси уша давлатдаги элчионасига, консуллик хизматларига мурожаат қилишлари, иш берувчи мамлакатлардаги қонунчилик идораларига мурожаат қилишлари тўғрисида тавсиялар бериб, уз ҳақ-хуқуқларини тулик тушуниб олишларида ёрдам берилади.

Албатта, Узбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги республикамиз фуқароларини вақтинча хорижий мамлакатларда уз касб-фаолиятлари

ХОРИЖДА ИШЛАШНИ ИСТАСАНГИЗ...

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижда меҳнат фаолиятини олиб боришлари учун сафарбар қилиш ва хорижий фуқароларни республикамизда меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиблари ҳақида

бўйича ишлабгина қолмай, малакаларини оширишлари ва ташқи меҳнат бозорига уз уринларини топишларига талабдор ва ушбу йўналишларга бўйича изланиш ишларини олиб бормоқда. Агар фуқароларимиз томонидан хусусий шартнома тузишга, меҳнат шартномаси тавсия қилинса ёки ташкилот ва идоралар томонидан мулкчилик турларидан қатъи назар юқорида қўрсатиб утилган тартибга бирозан Меҳнат вазирлигига мурожаат қилишлари керак бўлади.

Хусусий шартномалар асосида хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома олиш тартиби:

- Ариза;
- Иш берувчи томонидан берилган тавсиянома (Меҳнат шартномаси). Шартнома матнида ижтимоий муҳофазанинг барча турлари мужассамлашган бўлиши ва тиббий сугурта аниқланганлиги ва шу билан бирга иш берувчи томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун (Меҳнат визаси) берилишини таъкидловчи асос бўлиши шарт;
- иш берувчи ҳақида маълумотнома;
- шахсий варақа;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган шакл (форма) асосида соғлиқи тўғрисида маълумотнома.

Ушбу ҳужжатлар асосида рухсатнома расмийлаштирилади.

Юқорида қўрсатилган тартиб қуйидаги республикамиз фуқароларига татбиқ қилинмайди;

- а) Узбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ва консуллик муассасалари ва журналистлари;
- б) чет эл академиялари ва олий таълим, таълим муассасаларига маърузалар кўрсини ўқишга ва бошқа ишларга таклиф этилган маърузачилар ҳамда йуриқчиларга;
- д) Узбекистон Республикасининг чет мамлакатлар билан давлатлараро битимларида ишга жойлаштиришнинг бошқача тартиби белгиланган шахсларга.

Бутун дунёда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикасида ҳам ички меҳнат бозорини ҳимоя қилиш Меҳнат вазирлигининг таклиф қилинаётган хорижий фуқароларни ишга ёллаш тартиби белгиланган.

Низомга мувофиқ, ҳар бир иш берувчи мулкчилик туридан қатъи назар республикамиз меҳнат бозорига хорижда меҳнат мутахассис таклиф қилинган аввал Меҳнат вазирлигининг жойлардаги меҳнат бошқармаларига мурожаат қилишлари ва урнатилган тартиб бўйича у ёки бу хорижий фуқаронини республикамизда 3 ойдан юқори мuddатга меҳнат фаолиятига таклиф қилаётгани тўғрисида ва уни мақсадли фаолиятини меҳнат

Иш берувчи рухсатномада қўрсатилган мазкур Низом шартларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини бузганда, бунинг оқибатида хорижий мутахассисларнинг ҳуқуқлари жиддий камситилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги йўл қўйилган бузилишлар бартараф этилгунга қадар рухсатномани тўхтатиб қўйиши ёки уларни муайян мuddатга бартараф этиш тўғрисида рухсатнома бериши мумкин. Бузилишлар белгиланган мuddатда бартараф этилган тақдирда рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги қарорига кура бекор қилиниши мумкин. Касб фаолиятларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасига келган ва мазкур низомни бузган ҳолда ишга қабул қилинган хорижий мутахассислар иш берувчи маблағлари ҳисобига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилади. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.10.1995 йилдаги 408 сонли қарорининг 2-илоvasи 14; 15 бандлари).

Хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб боришлари учун иш берувчилар томонидан қуйидаги ҳужжатларни вилоят меҳнат органларига тақдим қилинади:

- Ариза;
- меҳнат шартномаси лойиҳаси ёки хорижий фуқаролар ёхуд чет эл фирмалари билан тузилган хорижий мутахассисларни жалб қилиш мақсади ва шартлари тўғри-

ТИНЧЛИККА ЧАҚИРИК

Япония ташқи ишлар вазирини Кэйдзо Обути АҚШ ҳуқуқатини қийси олимпада уйинлари вақтида Ироққа қарши ҳарбий зарба бермасликка даъват этди. Биз ҳам бошқа жойларда бўлгани каби, ушбу олимпиада мусобақаларини катта тантаналар билан утказишни хоҳлаймиз, деб баёнот берди у Токиода бўлиб утган матбуот анжуманида.

ЎҚУВЧИЛАР ЗАҲАРЛАНДИ

Кемерово вилоятининг Камен кишлоғидаги мактабларнинг бирини 80 киши заҳарланиб касалхонага тушди. Текширишлар мактабда санитария қоидаларига умуман риоя этилмаётганини кўрсатди. Мактаб ошхонасида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун ҳатто музлатгич ҳам

ЁНИЛГИ ЙЎҚ ҚИЛИНАДИ

Сянган (Гонконг) маъмурияти ута заҳарли булган 40 тонна ракета ёнилгисини йўқ қилишга қарор қилди. Бу ёнилги 1996 йилнинг апрель ойида Шимолий Корея кемасида Покистонга олиб кетилаётган пайтда Гонконг соҳилида ушланган эди. Текширувлар натижасида ушбу маҳсулот хуфёна олиб кетилаётгани маълум бўлди. Қарорга асосан ёнилги икки ҳафта мобайнида ҳарбий синовлар майдонига йўқ қилинади.

Турфа олам

80 ЁШЛИ ТИМСОҲ

Гомик лақабли тимсоҳ Сент-Августиндаги ҳайвонот боғининг «кўрки» эди. Уни негадир баъзилар «ютоқкан тимсоҳ» ҳам деб қуйишарди. Гомикнинг ватани асли Янги Гвинейда эди. Флай дарёсидан 1989 йилда 18 метрли вазни 1900 фунт келадиган даҳшатли маҳлук тутилгани ҳақида шов-шув қилинган эди. Тезда уни Сент-Августин ҳайвонот боғига олиб келишди. Тимсоҳнинг байхоблигини ёки бошқа ҳайвонларга ухшамайдиган феъл-атворини тезда уни шундай машҳур қилиб юбордики, болалар ҳам, катталар ҳам «тимсоҳ»нинг муҳлисига айланиб қолди.



Останкино телемаркази.

ЎЗБЕКИСТОНДА

сидаги олдидан аҳдлашилганликни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар асосида; — хорижий фуқаролар тўғрисидаги фотосуратли маълумотнома (урнатилган тартиб бўйича); — тиббий куридан утганлиги ҳақида маълумотнома, яъни «ВИЧ — инфекция» йўқлиги тўғрисидаги сертификат.

Рухсатномалар беришнинг Низомлар билан белгиланган мажбурий тартиби, шунингдек, меҳнат фаолиятига эгалик тасдиқномалари қуйидаги хорижий фуқароларга нисбатан қўлланилмайди:

- а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи элчиона, консуллик хизмати хизматчиларига ва дипломатик тоифадан фойдаланувчи доираларга хос хорижий фуқароларга;
- б) халқаро ташкилотлар, инсонпарварлик ва хайрия жамиятларида давлатлараро шартномалар асосида фаолият кўрсатувчилар;
- в) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўша қорхона ёки ширкат таъсисчилари ва ҳиссасдорлар таъсис қилиш масалалари билан 3 ой мuddатга келган хорижий фуқаролар;
- курбатилган тартиб ушбу тоифадаги хорижий фуқароларга нисбатан ҳам татбиқ қилинмайди;
- давлатлараро битимларга мувофиқ ташкил қилинган Ўзбекистон ҳудудидаги муассасаларда ишловчи фан ва маданият арбобларига;
- таътил вақтида Ўзбекистон олий касб таълими муассасалари дастурлари доирасида ишлаб чиқариш амалиятини утаётган талабаларга;
- Ўзбекистон академиялари ва олий касб таълим муассасаларида маърузачилар кўрсини ўқиш ва бошқа ишлар учун жалб қилинган маърузачилар ва йуриқчиларга;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар билан тузилган давлатлараро битимларга кура ишга жойлаштиришнинг бошқа иш тартиби белгиланган шахсларга.

Хорижда меҳнат фаолиятини олиб боришни истаган ҳар бир ватандошимиз учун ушбу умумий қоидалардан хабардор бўлиш фойдали булур эди.

Санджомил САИДАЗИРХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги халқаро алоқалар етакчи бўлими бошлиғи.

БИР КУНДА УЧ МАРТА

Бир кунда урта ҳисобда уч марта ер қимирлайдиган ҳудудни эшитганмисиз? Булмас эшитинг. Бир йилда ер энг кўп қимирлайдиган ҳудуд Чилидадир. Бу улкада йилига 1000 мартагача ер қимирлаши кузатилади. Демак, кунга уч марта... Япун оролларида эса ҳар йили 450 мартагача ер қимирлайди.

ҲАММАСИ ҲАЙДОВЧИ УЧУН

Франциянинг «Кларис Технолож» кичик фирмаси «Ситроен» фирмасининг буюртмасига кура шахсий компьютер учун дастур устида ишламоқда. У автомобилда турли носозликлар бўлганда юзага келадиган товушларни тақдир қилиш имконини беради. Дастурда 40 та шовқин овози урин олади, у ҳар қандай носозлик ҳақида маълумот беради. Бу янгилик бўлгуси автоном ханикларни эшитиш орқали носозликларни

ЯНГИ «ВОЛГА» ИШЛАНМОҚДА

«ГАЗ-3111» туркуми жиҳатдан янги русумдаги автомобилдир. Мотор қуввати илк бор 150 от кучига етказилмоқда. Ташқи куринишида «Газ» туркумининг айрим элементлари сақланиб қолади. Нижегородлик конструкторлар АҚШ, Австралия инженеринг компаниялари мутахассислари билан биргаликда ишламоқдалар.

25 КИЛОЛИ ЁНФОҚ

Мевалар ичида энг йириги Сейшель пальмасининг ёнғоғидир. Бу жуда улкан дарахт фақатгина Сейшель оролида учрайди. Ҳар бир пальма ёнғоғининг оғирлиги эса 25 килодан кам бўлмайди. Улар ун йил ичида пишиб етилади. Сейшель пальмасининг ўзи эса саккиз юз йил умр кўради.

Биласизми?

почтасининг бош директори уринбосарлиги вақтида почта қутисини ўйлаб топган.

КЎЁШДАН ОЛИНГАН ОЛТИН

Физик Кирхгоф бир кун спектрлар таҳлили пайтида қилган кашфиёти ҳақида гапириб: — «Қувш спектри, қувшда олтин борлигидан далолатдир», — деди. — Бу кашфиётдан нима фойда, ахир қувшдан олтинни олиб бўлмайди-ку, — эътироз билдирибди тингловчилардан бири. Тез орада кашфиёти учун олтин нишонни Кирхгофга топширибдилар. — Мана, — дебди олим ҳазиллашиб, — мен қувшдан олтин олдим.

ДУНЁ ТАНИГАН ШИФОКОР

Саломатлик посбонлари

БАЙРОГИМИЗНИ КЎТАРИБ ЎТИШДИ



Спорт

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Метронинг сунги бекатидан чиқиб автобус кўтиб турганим, янги «Тико» машинаси келиб тўхтади-да, сочларига оқ оралаган киши ойнадан бош чиқариб суради:

— Ужон, Қибрайга шу йўлдан бориладими?
— Ҳа, — дедим бош ирғаб.
— Мен ҳам уша ёққа бора-ман.
— Айни муддао-ку, — деди у киши кулимсираб. —

Чиқинг машинага.
Ҳайдовчи ёнига утирарканман, орқа уриндикда утиришган аёлларга бош ирғаб салом бердим. Улардан бири юзини румол билан тангиб олган, иккинчиси нечундир маъусроқ эди. Машина секингина жилди.
— Узимизнинг духтирлар довругини чет элда эшитиб келсак-а, — деди ҳалиги киши йўл-йўлакай хангомани



Шу кунларда миллионлаб мухлисларнинг эътибори Япониянинг Нагано шаҳрига қаратилган. Бу ерда Оқ олимпиада, деб эъвозланувчи йирик спорт байрами нишонланмоқда. Икки хафта давом этадиган қизгин ва мurosасиз баҳсларда 70 дан ортиқ мамлакат вакиллари маҳорат курсатишга шайланганлар. Мамлакат пойтахтидан 350 километр оғир йўлда жойлашган, қалин қор билан қопланган тоғ-

ли Наганода олимпиада машъаласи ло-вуллаб, мусобақа байроғи ҳилпирамоқда.
Олимпиаданинг тантанали очилиш маросими ҳар доимдагидек кутаринки руҳда, байрамона тарзда ташкил этилди. Халқроқ олимпиада кумитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч Японияда йирик спорт анжуманларини утказиш тажрибаси борлигини таъкидлади. Дарвоқе,

1964 йили Токио ёзги олимпиада пойтахти бўлган бўлса, орадан 8 йил ўтгач, Сапаро шаҳрида навбатдаги киши олимпиада уйинлари утказилган. Қизиги шундаки, тонгтар мамлакат ҳукумати навбатдаги олимпиада бахсларини яна Сапарода утказиб қўя қолмай, катта тайёргарлик ва қарийб 10 миллиард доллар харажат ҳисобига беқисс бунёдкорлик ишларини амалга оширди.
Бундай киши спорт анжуманларида иккинчи марта иштирок этаётган мамлакатимиз вакиллари беш нафар бўлиб, юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Бир қарашда камдек туюлади. Зеро, олимпиадалар тарихидан маълумки, баъзи давлатлар узининг бор-йўғи биргина спортчиси билан мусобақада иштирок этиб, олтин медални «илиб» кетишганининг шохиди бўлганмиз. Уйлаймизки, тенглар ичида тенг бўлиб, мовий-яшил байроғимизни баланд кўтарайтган олимпиадачиларимиз мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қиладилар.

Таҳрир хайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ —
(бош муҳаррир ўринбосари)
«Голос Узбекистана»
Алимулла СУЛТОНОВ
(масъул котиб —
«Узбекистон овози»)

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI



O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 10 fevral, seshanba № 17-18 (22.255).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqqa boshlagan

бошлаб. — Ишимиз асли шутта битаркан-у, биз «адашиб» Исроилга бориб юрибмиз...
— Исроил давлатигами? — хайратим ошиб сурадим.
— Ҳа, Тель-Авивдан қайтиб келдик. — Ҳайдовчи оғир тин олди. — Бу ёғи Масковгача боргандик. Бир духтир Исроилга боришимизни маслаҳат берганди. Бордик. Буни қарангки, Тель-Авив шифохоналаридан бирида жаноб М. М. деган киши жонимизга аро кирди. Биз асли уша духтирни излаб боргандик. У булса қаттан келганимизни суриштирди. Узбекистонданмиз, дедик. Тошкентдан сал нарида Қибрай деган жойни била-

сизларми, деб суради у. Ҳа, топармиз, дедим мен. Уша ерда Абдусалом Абдуқодиров деган шифокор бор. Қизингизни айнан уша дустимиз зур доволайди, деса буладими!
— Қизингиз қанақа дардга чалинган? — ҳайрон бўлиб сурадим.
— Ана, — деди у киши орқа уриндикда ишора қилиб. — Тугилганида шунақа бўлган: юзи бир томонга қийшайиб кетган, жағи зурга очилиб-ёпилади. Буям етмаганидай пастки тишларни олдига туртиб чиққан... Ун олти йилдан бери шу аҳволда бечора қизим...
Ҳар қандай кишини сескантирадиган касаллик

ҳақида эшитган, табиийки ортимга ўгирилиб қарашга юрагим бетламади. Демак, шу қадар оғир дардга чалинган бемор — уша қиз... Хуш, Масковда, Исроилда дардига даво топа олмаган бемор узимизда соғайиб кетармикин?
Шифокорларимиз шу қадар мураккаб касалликларга даво топишармикин?...
Дурмон қишлоғидан сал нарида жойлашган Қибрай туман марказий шифохонаси томон бурилдик. Турт қаватли бинонинг учинчи қаватида юз-жағ жарроҳлиги бўлими жойлашган экан. Булим бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифадаги шифокор Абдуса-

лом Абдуқодиров очик чеҳра билан пешвоз чиқди. Бемор қизнинг юз-жағларини синчковлик билан текширди-да:
— Даволаймиз! — деди ишонч билан. — Онадан янги тугилгандек бўлиб кетади ҳали.
Очиги, шу беморнинг соғайиб кетишига кўпчилик ишонмаган экан. Мен ҳам қизикиб қолдим. Буни қарангки, шу тоифадаги беморлар айнан мазкур шифохонада даволанаркан. Тўғма бемор — юзи қийшқиб қизни уч босқичда операция қилишди. Қовургасидан битта суяк олишиб иягини «алмаш-

«ОИЛА — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»



Исми: Узрзбика
Фамилияси: Оллаберганова
Қачон, қаерда туғилган: 1896 йилда Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманида.
Ҳозир қаерда яшайди: Чимбойда.
Узоқ умр кўришининг сари: Узинени асрасанг, худо сени асрайди.
Юз ёшининг хулосаси: Отамдан қолган қумғонни энг сеvimли чеварама мерос қолдираман.

ҚИШЛОҚДА МАИШИЙ ХИЗМАТ

САМАРҚАНД. Нарпай туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигида иқтисодий ислохотлар жадал амалга оширилляпти. Жамоа хўжалиги ўтган мавсумда 52 миллион сўм даромад олганлиги бунинг далилидир. Ҳозир маданият маркази, маиший хизмат уйи, «Пахтакор» уйингоҳи гавжум. Шуни-


нгдек, 50 километр йўл таъмирланиб, қишлоқ саломатлик маскани ва дорихонада аҳолига тиббий хизмат курсатиляпти. Хўжаликдаги 300 дан ортиқ хонадонда телефон хизмати йўлга қўйилгани ҳам бу ердаги саяъ-ҳаракатлардан нишондир.
Ўтқир ПЎЛАТОВ.

тирдилар», пастки жағи бутунлай янгиланди. Янги жағга тишлар «экилди». Худди узининг табиий тишларидек будди-қолди. Қош-қошқоқлари тепароқ кўтарилди. Юзи сулувланди. Қуйингки, ота-онани тасаввур ҳам қилолмайдиган чиройли, кўхликкина қизлари шифохонадан чиққанида қавм-қариндошлари хайратдан ёқа ушладилар...
Бу воқеанинг бошдан-адогигача кузатган журналист сифатида беназир шифокор Абдусалом Абдуқодиров суҳбатлашиш истаги пайдо булди:
— Абдусалом ака, айтинг-чи, аввало Исроил давлатидаги ҳамкасбларингиз сизни жуда яхши

танишлари боиси нима-да?
— Украина республикасидаги Полтава шаҳар махсус тиббиёт-стоматология институтида бирга таҳсил олганмиз уша жаноб М. М. билан.
— Унинг аниқ исми-шарифини айтга оласизми? — қизиксиниб сурадик.
— Газетага ёзмачи бўлсангиз, айтишим мумкин эмас. Халқроқ миқёсдаги айрим қонун-қоидалар шунақа: дейлик, жаноб М. М.нинг узидан розилик олмай туриб, исми-шарифини матбуотда ошкор қилишга ҳақимиз йўқ...
— Алоқа қилиб турсангиз керак-а?

Абдусалом ака бу саволимизга нечундир жилмайди, сўнг шундай деди:
— Шунақа дустларимнинг таклифига қулқ солсам, аллақачон Амриқога ё Олмонияга ишга кетишим керак эди. Буни мутлақо хохламадим.
— Нега?
— Узимизнинг юртимиз, халқимиз учун ҳар қанча меҳнат қилсак кам. Мана, бир ҳамюртимиз нажот истаб Исроилга борибди. Уша ёқдаги ҳамкасбларим уни атай бизнинг шифохонага юборишди. Агар мен хорижда юрганымда нима буларди? Қолаверса, бундай беморлар кам дейсизми? Бор-йўғи 40 уринли шифохонамизда ҳар йили 1500

нафар атрофида беморларни операция қилмоқдамиз. Биз узимизни уйлаб хорижга кетиворсак: азиз юртдошларимиз кимга нажот тилаб борадилар? Мен буни мутлақо мақтанаш учун айтганим йўқ. Узи, тиббиёт соҳасида «мақтанчоқлик» кетмайди...
Юз-жағ жарроҳлиги бўлими туман марказий шифохонасига қарашли бўлса-да, у асли Тошкент вилояти миқёсдаги шифо маскани ҳисобланаркан. Қолаверса, мамлакатимизнинг турли бурчақларидан ҳам даво истаб келувчилар кам эмас.
Бундан ташқари



республика шифокорларининг малака ошириш институтидан ҳар йили 200 га яқин врачлар келишиб, уз билим ва малакаларини шу ерда оширарканлар. Малака ошириш институти юз-жағ

жарроҳлиги кафедраси ҳам шу шифо масканида жойлашгандир. Мазкур шифо масканида Абдусалом ака билан ёнма-ён — тиббиёт фанлари доктори, профессор Эшмумин Худов-

ров, фан номзоди, доцент Келдиёр Турғунов, ассистент Марвара Хатипова, малакали врачлар Фуркат Жумаев, Динора Абдуқодирова, Уткир Муродов, Раҳим Раимов, Улугбек Бахриев, тажрибали ҳамширалар Дилнора Орипова, Саида Юсупова, Саида Ихлосова, кичик ҳамширалар Хилола Орипова, Осие Мамбетова, Улмас Эдилова ва бошқалар ҳам астойдил фаолият курсатишмоқда.
Даволаш ишлари билан бир қаторда бу ерда қанчадан-қанча илмий ишлар олиб борилади. Йилига унга яқин ёш врачлар худди шу масканида малакаларини оширомоқдалар. Моҳиятига қўра, бу маскан ҳам даволаш, ҳам илмий-маърифий марказлардан бирига

айланиб қолган. Хусусан, дунё таниган шифокор — Абдусалом Абдуқодиров ҳам докторлик диссертациясини айнан шу ернинг узидан химояга тайёрламоқда. Унинг орзулари дунёча бор. Эзгу мақсади — тиббиёт соҳасида эришган ютуқларини аввало она юрти — Узбекистон, қолаверса, жумлаи жаҳон бирла баҳам қуриш экан.
Бу эзгу йўлда биз ҳам Абдусалом Абдуқодировга омадлар тилаб қоламиз.
Тўлқин ЭШБЕК.
СУРАТЛАРДА: Абдусалом Абдуқодиров шогирдлари билан.
Шавкат АКРОМОВ олган сураатлар.

НИНАЧИЛАР «МЕЧКАЙ»МИ?

Дунёда энг кўп овқат ейдиган жонивор қайси эканини биласизми? Сиз эҳтимол шер ёки йўлбарс, деб уйлурсиз. Бошқа бировлар бури, деб ҳисоблар. Баъзилар кўп овқат ейдиган жониворлар қаторига филин ҳам қўшишар. Аммо буларнинг бирортаси ҳам тўғри эмас. Дунёда энг кўп овқат ейдиган жонивор — ниначидир. У икки соат давомида 40 та пашша ва чивинни тутиб ейди. Агар унинг гавдаси шер ёки фил каби катта бўлганида эди, бирданига битта сигирни еб қўйган булар эди. Битта ниначи шунча зарарли ҳашаротни йўқ қилса, унлаб, юзлаб ниначиларнинг табиатга, одамларга қанчалик фойда келтиришини тасаввур қилиш мумкин.

ШОХ НЕГА КЕРАК?

Қуй, эчки, бугу ва қора молларга шох нима учун керак? Чиройли қуриниш учунми? Эки хавф - хатардан химоя қилиш учун қурол сифатида керакми? Ҳа, бу мақсадлар учун зарур. Лекин шохнинг яна бошқа вазифаси бор.
Шоҳда қон томирлари жуда кўп. Ҳаво исиб кетган пайтларда, шу томирлар ортиқча ҳароратни ҳавога чиқариб юборади. Совуқ пайтларда эса томирлар торайиб, зарур ҳароратни танада сақлаб қолади.

Аломат дунё


Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Нақлиёт Ички ишлар бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бошлиғи, милиция полковниги Анвар Сатқунович Бадалбоевга онаси Марьям Жалилова ЖАЛИЛОВАнинг вафот этганини муносабати билан ҳуқуқ таъзия изҳор қилади.

«ОСИЁ-ВОЛГА» МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ

Тошкент шаҳридаги омборхонадан пул утказиш йўли билан УАЗ автомобиллари учун кенг турдаги эҳтиёт қисмларни, шунингдек, қишлоқ хўжалик шиналарини, автошиналарни, автомобилларнинг барча турдаги эҳтиёт қисмларини

СОҒАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16 ° уй, 221-хона
Тел\факс: (3712) 41-52-41, 41-58-51.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМOKPATИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БУЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодийёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқроқ ҳаёт — 133-20-36.
Санъат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
Факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИПОЯТ МУХБИРПАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИПИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙУАД ОШЕВА, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўттиш тартиб №00120

Газета офсет усулида, А-2 форматда, 34863 нускада босилпа

Ҳажми 2 босма табоқ

«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0968

Босишга топшириш вақти — 21.00. 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА